9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 14 (4569) // 2020-yil 8-may

ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ БАРҲАЁТДИР

Кўп миллатли Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қатори 1941–1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида фаол иштирок этиб, буюк ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон халқининг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликлари, фронт ортида кечган оғир ва машаққатли ҳаёти биз учун катта ҳаёт мактаби, ғурур ва ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтган сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан халқимизнинг уруш йилларидаги улкан жасорати ва матонатини аниқ тарихий ҳужжатлар асосида ёш авлодга етказиш, уруш ва меҳнат фронтида заҳмат чеккан инсонларнинг азиз номларини абадийлаштириш мақсадида «Ўзбекистон» нашриётида «Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси» номли китоб-альбом тайёрланиб, "Колор-пак" босмахонасида ўзбек, рус ва инглиз тилларида 20 минг нусхада чоп этилди.

Мазкур китоб-альбом Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши асосида Фанлар академиясининг Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик маркази илмий ходимлари томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ушбу нашрда юртимиз ва чет эллардаги архив ва музейларда, уруш қатнашчилари ва уларнинг оилаларида сақланаётган, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ноёб тарихий факт ва маълумотлар, суратлар, хатлар, хотиралар жамланган.

Китобда ўзбекистонлик аскарларнинг қонли жангларда кўрсатган жасоратлари, Брест қалъаси, Москва остонаси, Сталинград, Курск, Ленинградни озод қилиш ҳамда Берлин учун бўлган жанглардаги қаҳрамонликлари тарихий фактлар асосида ёритилган.

Ўзбекистонлик қаҳрамон аскар ва офицерлар ҳақидаги янги маълумотлар, жумладан, 24 ёшида Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган Қўчқор Турдиев, генерал Собир Раҳимов, Шароф Рашидов, Зебо Ғаниева, Мамадали Топиволдиев, Аҳмаджон Шукуров ва бошқа кўплаб ватандошларимизнинг жасоратлари ҳақидаги тарихий лавҳалар китоб мазмунини янада бойитган.

Урушда беш фарзандидан жудо бўлган Зулфия ая Зокированинг матонати тимсолида юз минглаб оналаримизнинг метин иродаси, улкан сабр-бардоши ўз ифодасини топган.

Ўша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бутун халқимиз «Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – ғалаба учун!» деб яшаб, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилгани аниқ мисоллар орқали ёритиб берилган.

Фашизмга қарши курашда юртимиз зиёлилари, илм-фан, адабиёт ва санъат вакилларининг қўшган муносиб ҳиссаси ҳам китоб-альбомда атрофлича акс эттирилган.

Ушбу нашрда шунингдек, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган минглаб инсонларга бошпана берган, ота-онасидан жудо бўлган болаларни «Сен етим эмассан!» деб ўз бағрига олган ўзбек халқининг юксак инсонпарварлик фазилатлари ҳақида сўз боради.

Ўзбекистонда эвакуацияда бўлган шахсларнинг хотиралари, фронтда қатнашган ва унинг ортида меҳнат қилган ватандошларимиз қалб изтироблари акс этган саҳифалар ҳам китоб-альбомдан ўрин олган.

►2

САХОВАТЛИ МИЛЛАТ ҲАМИША ҒОЛИБ

Ўшанда Наврўз байрамини қишлоқда ўтказиб пойтахтга қайтаётган эдик. Руҳимиз енгил, кайфиятлар кўтаринки. Наврўздай шодиёнани ота-она бағрида, яқинларинг қуршовида ўтказишга нима етсин. Роса бир йилга татигулик руҳий қувват, завқ-шавқ оласан киши. Кураш, кўпкари, дорбозчилар томошалари, баҳорий гиламлар тўшаб ташланган қир-адирларда наврўзий дастурхон ёзиб, соғинган неъматларингдан тотинишнинг гаштини айтмайсизми...

Чучмома, қоқигул, бинафша каби гулларнинг анвойи ифори, созу суҳбатлар қиш бўйи толиққан руҳингга малҳам бўлади. Ойда, йилда қишлоққа бир-икки бориб коладиган болаларингнинг яйрагани эса ажиб ҳузур бағишлайди... Хуллас, ана шундай тотли дийдорлашувлар завқи ила қайтаяпмиз, ота-оналаримиз дуоларини олиб йўлга тушганмиз...

Биласиз, Китобдан Самарқандга Тахтиқорача довони орқали ўтилади. Довоннинг қоқ белига чиққанимизда, бир тоғ ҳавосидан нафас олайлик, дея уловни бир чеккага тўхтатиб, аста тушдик. Бизга ўхшаган тоғ ва унинг ҳавосига ошуфталар талайгина экан. Бироз у-ер бу ерни томоша қилгандек бўлдик. Баҳор ҳавоси эмасми, бир маҳал кўм-кўк осмонни қоп-қора булутлар қоплади-кўйди. Шаррос ёмғир қуя бошлади. Шоша-пиша машинага чиқдик. Пастга қараб эна бошладик. Тоғ ён бағрида жойлашган қишлоққа етиб-етмай негадир машиналар тўхтаб қолди. Тоғу тошлар орасидан пишқираб сел кела бошлаган экан. Бу анчайин қўрқинчли, айни чоқда биринчи бор кўриб турганимгами, қизиқарли манзара эди мен учун. Сувнинг селга айланганда на қадар ваҳшатли тус олишини ўшанда кўрганман. Йўлида учраган харсангтош борми, дарахтми, бутами, хас каби оқизиб кетавераркан. Ёши улуғларимизнинг ўт балосидан, сув балосидан асра деб дуо қилишлари маънисини ўшанда биринчи бор туб моҳияти билан англаб етганман.

Хуллас, сел деган қудратли бир оким важоҳатидан ҳайратланиб томоша қилиб турганимизда кутилмаган ҳодиса юз берди. Бир йигит машинасидан отилиб чиқди-да, селнинг ўзанига қараб югурди. Одамларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, ўзини сувга отди. Аввалига унинг нега ундай қилганини тушунолмадим. Бошқалар қатори машинамдан тушиб, югура-югура сув бўйига бордим. Ўша пайтдаги ҳолатимни тасвирлаб бера олмайман. Қаттиқ ҳаяжонга тушганман, минг турли ҳаёлларга бораман. Одамларнинг бақир-чақиридан англадимки, у сувда оқиб келаётган кимнидир кўриб қолган. Аммо бунақа қутурган оқимдан омон чиқишнинг ўзи бўладими... кўпчилигимиз ана шундай умидсиз бир алфозда бош чайқаб турардик. Йўқ, у омон чиқди. Ҳамма жойи шалаббо, боши ёрилган, қўл-бетлари қирилган. Қўлида чамаси беш-олти яшар қизалоқ. Бу балои азим бағридан қандай чиққанига эса ҳалигача ишонгим келмайди. Ҳа, бу фидойи йигитга Аллоҳнинг ўзи куч-қувват берган. Йўқса, бундай ажал комидан тирик чиқиш асло мумкин эмас эди.

►2

Жўрабек ЖАҲОН

101 ЎЗБЕК

Иккинчи жаҳон урушида Смоленск яқинидаги жангларда асирга олиниб, Голландия ҳудудидаги Амерсфорт концлагерида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқларга солинса-да, ўзлигини йўқотмаган, миллат шаъни, гурури учун ор-номусидан кечмаган, дўзах азобларига мардонавор дош берган, фашистларнинг маккарона режасини чиппакка чиқарган 101 нафар жасур ўзбек (уларнинг барчаси Самарқанд вилоятидан бўлган) аскарларининг порлоқ хотирасига бағишланади.

Ёғий бош кўтарган он юртга келтирай деб шон
Ёт элларда берган жон,"Она" деб инграр мужгон,
Ўнгда кўргани ҳам шу, тушда ҳам кўргани қон,
Бир тана – қошу кўздек,
Бирюзу бир ўзбек.

Кўксим тирнар расмингиз, борми фарзанд, хасмингиз,
Темурдандир наслингиз, халқ сиймоси аслингиз,
Жисмингиз шаҳид кетган, нима эди исмингиз?!.
Фанга номаълум сўздек –
Бирюзу бир ўзбек.

Ташналик, очлик, хўрлик, келиб қолар деб ҳурлик,
Жонидан ўтиб зўрлик, тўрт тарафи симтўрлик,
Эрта кексайган чоллар, ўн етти ёшли шўрлик,
Туюлар ёши юздек,
Бирюзу бир ўзбек.

Тупроқдан Кўкка арз у, ҳаётга берган дарс у,
Чор атрофи қафасу тинчлик деган ҳавас у,
Ҳаво етмасу лекин энг покиза нафас у,
Дерлар: урушдан бездик,
Бирюзу бир ўзбек.

Кўргани ур, от, теп, кув, кўкраги куяр – ув-ув,
Ёши тўкилар дув-дув, керак эмас нону сув,
Тинч ухласа етар шу, тушига кирар сулув,
Қўл тегса куяр чўғдек,
Бирюзу бир ўзбек.

Дейди: булар муттаҳам, қолдирманглар битта ҳам,
Ёндир, куйдир ўтда ҳам, ўчсин номи кўкда ҳам,
Инсон боласимисан? Булар ҳам ахир одам!
Ранглари худди кўздек,
Бирюзу бир ўзбек.

Уйда кутар онаси, уйда кутар боласи,
Оламга ўт сачратар иккисининг ноласи,
Юртдан салом келтиргай қуёшнинг ҳар жоласи,
Лек қўли, бети муздек,
Бирюзу бир ўзбек.

Кун кўрмаган шўрликлар, тун кўрмаган шўрликлар,
Бошида кўп зўрликлар, ситам-алам, хўрликлар,
Оппоқ-оппоқ тушларин ўнг кўрмаган шўрликлар,
Дер: умидимиз уздик,
Бирюзу бир ўзбек.

Хиёнатдан холисиз, жасорат тимсоли – сиз,
Сўзларнинг энг боли – сиз, озодлик мисолисиз,
Кўрмадингиз шундайин улуғвор бир онни сиз –
Буюк бир Ватан туздик,
Бирюзу бир ўзбек.

* * *

Йигирма йилдан буён 101 ўзбек жангчиси ҳақида тадқиқот олиб бораётган нидерландиялик журналист Ремко Рейдинг 2018 йилда юртимизга келганида шундай деган эди:

«Бундан йигирма йил олдин Амерсфорт шаҳри яқинидаги совет қабристони ҳақида эшитиб қолдим ва у ерга бордим. Ушбу қабристонга 865 нафар Совет аскари кўмилган экан. Мени ажаблантирган ҳолат улар орасида 101 аскарнинг шахси ҳақида умуман маълумот йўқ эди. Унинг ўрнига қабртошларга «номаълум совет жангчиси» деган битик ёзилганди, холос. Бу ҳолат мени ўйлантириб қўйди. Ўйлаб кўринг, юрти учун, тупроғи учун урушга кетган одамни ном-нишонсиз кетиши адолатдан эмас, ахир.

Шунинг учун уларнинг номини тиклаш керак деган виждон амри мени тинч қўймади. Бир қатор архив маълумотларини ўрганиб, гувоҳларни изладим. Менга бу ишда ўша пайтда ўсмир бола бўлса-да, фашист тадқиқотчиларининг ёвузликларига гувоҳ бўлган, ҳозир 91 ёшли нидерландиялик Хенка Брукхаузен ўз хотиралари билан ёрдам берди.

Яна бир ноёб маълумот: голландиялик рассом томонидан қаламда чизилган икки сурат сақланиб қолган. Бирига «Ҳотам Қодиров», иккинчисига «Зоир Муратов» деб ёзилган.

Бошқа ўзбек жангчилари эса ҳозиргача номаълум».

Ушбу ҳаётий воқеа асосида журналист-ёзувчилар Анвар Эргашев ва Юлия Медведовская «101» номли тарихий роман ёзишди.

Ҳотам Қодиров

Зоир Муротов

МАРДЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ТИМСОЛИ

"Урушнинг оти ўчсин, очлик ва қаҳатчиликни бошқа кўрмайлик", дея боболаримиз, момоларимиз дарду алам билан сўзлаганларида биз, ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари болакайларида ўша суронли йиллар ҳақида оз-моз бўлса-да тасаввурлар бор эди.

Ўша пайтларда кинофильмларнинг аксарияти уруш ҳақида эди, қолаверса, ҳали жангоҳларда соғлиғини йўқотган кўплаб ногиронлар ҳаёт эди. Масалан, маҳалламиздаги кичиккина устахонада косибчилик қилувчи устанинг ҳам икки оёғининг тиззадан пастки қисми уруш майдонларида қолиб кетганди.... Отамиз фронтга кетганларидан кейин учта жажжи бола билан қолган волидаи мухтарамамизнинг уруш пайтларидаги қаҳатчилик, ҳар куни жон бошига 200 граммдан қора нон бериладиган "заборний карточка"сини йўқотган ёхуд ўғирлатган оилаларнинг ҳоли танг бўлган, катта овсинларининг акалари урушдан қайтиб келмагани ҳақидаги ғамгин ҳикоялари қулоқларимизда ҳамон жаранглаб туради. Ҳа, машъум уруш ҳар бир ўзбек хонадонига ўзининг аламли кўланкасини солган эди...

Ғалабанинг 75 йиллиги нишонланаётган айни кунларда халқимиз кўрсатган жасорат, матонат ҳар жиҳатдан шарафланишга муносиб. Кейинги йилларда юртимиздаги, сафи тобора камайиб бораётган уруш фахрийлари ҳамда фронт ортида меҳнат қилган кексаларга доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги генерал Собир Раҳимов ҳайкали ўрнатилган хиёбонда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Ғалаба боғини бунёд этиш бўйича кенг кўламдаги ишлар якунига етмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 25 июнь куни ушбу ҳудудда бўлиб, мутасадди ва масъулларга Ғалаба боғи қурилиши юзасидан топшириқлар берди ва шу асосда боғ концепцияси ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги қарорига асосан Ғалаба боғи концепцияси қабул қилинди ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Концепцияни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа, Ташқи ишлар, Ички ишлар, Маданият вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси, Президент ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг таклиф ҳамда тавсияларидан фойдаланилди.

Шунингдек, машъум урушнинг барча азоб-уқубатларини бошидан кечирган Беларусь Республикасининг Иккинчи жаҳон уруши давлат музейи ходимлари иштирокида семинар уюштирилиб, унда Ғалаба боғининг концепцияси билан яқиндан танишиш жараёнида беларуслик мутахассисларга шу кунга қадар қилинган ишлар, қурилиш бўйича келажакка мўлжалланган режалар ҳақида маълумот берилди. Ўз навбатида меҳмонлар ҳам боғда барча қулайликлар яратилиши юзасидан ўз таклиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди. Мухтасар айтганда, Ғалаба боғи концепциясини тайёрлашда бир қатор хориж давлатларининг шу турдаги боғлар, хиёбон ва комплексларининг лойиҳалари ўрганиб чиқилди ва боғнинг нафақат ҳамюртларимиз, балки сайёҳлар учун ҳам диққатга сазовор масканга айланиши бўйича барча саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Ғалаба боғининг турли жойларидан миллий анъаналарга мос айвонлар ҳамда интерактив маълумотлар берувчи замонавий электрон қурилмалар ўрин олади. Бундан ташқари, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ва ғалабага эришган давлатларнинг байроқ, герб ва ҳариталаридан иборат махсус майдончалар ҳам барпо этилади.

Боғнинг рамзий дарвозаси сифатида Ғалаба аркаси қад ростлайди. Боғ марказида эса уруш жанггоҳларида мардларча ҳалок бўлган жафокаш она Зулфия Зокированинг беш ўғли ва тўрт нафар вафоли ва садоқатли келинлари сиймосида ўзбек аёлининг матонати тимсолини ўзида ифодаловчи "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуаси қад ростлайди.

"Ўзбек генераллари" хиёбони ҳам ташкил этилиб, унинг марказида жанг майдонида кўрсатган жасоратларию қўмондонлик салоҳияти эвазига номи тилларда достон бўлган генерал Собир Раҳимов ҳайкали қўр тўкиб туради. Шунингдек, собиқ иттифоқ қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, юртимизда ўсиб-улғайган жангчиларнинг сиймоси акс этган барельефлар ўрнатилади.

Боғда уруш даври манзараларини, ўша даврдаги муҳитни ҳаққоний тарзда акс эттирувчи окоп ва блиндажлар, чодирлар, дала ошоналаридан иборат композиция мажмуалар ҳам қурилади. Уруш давридаги ҳарбий техника ва қурол-яроғлар кўргазмаси ҳам ушбу масканга ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола этилади. Кутубхона, Wi-Fi зона, уруш давридаги мусиқаларга монанд мусиқали фаввора, ҳарбий шаҳарча, амфитеатр ва кинотеатр, ҳарбий тайёргарлик ва спорт ҳудуди ҳамда сайилгоҳ ўз эшикларини очади.

Боғда "Шон-шараф" музейини ташкил этишдан мақсад – фронтда жон олиб, жон берган ҳар бир ўзбекистонлик жангчини топиб, улар ҳақида маълумот бериш, ватандошларимизнинг уруш жангоҳларидаги жасоратларини кўрсатиш, ўша даврда мамлакат ичкарисидаги ҳолат ва жанговар ҳаракатлар кетаётган ҳудудлардан кишиларни эвакуация қилиш жараёнларини батафсил намоён этишдан иборат.

Лойиҳа ташкилотчиларнинг таъкидлашларича, уруш қатнашчиларининг қариндош-уруғлари, яқинлари турли-туман ҳужжатлар, фронтдан мактублар ва "қора хат"лар, газеталардаги мақолалар ҳамда видеоматериаллар, эсдалик буюмлари ва аскарларнинг шахсий анжомлари, жанговар мукофотлари, тарихий суратларни топшириб, музей экспозицияларини тўлдиришда фаол иштирок этмоқдалар.

– Бинобарин, шу кунгача юртимизнинг турли музейларида сақлаб келинаётган ҳарбий қурол-аслаҳалар, ўша давр ҳаётини гавдалантирувчи бошқа буюмлар эндиликда битта музейда яхлит ҳолда жамланади, – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти декани Ҳабибулла Холматов. – Бу эса "Шон-шараф музейи"нинг барчани бирдай қизиқтирадиган, экспонатларга бой, ҳар доим ташриф буюрувчилар билан гавжум бўладиган музейлардан бирига айланишидан далолат беради.

Ҳозиргача тўпланган экспозициялар хронологик ҳарактерда бўлиб, музейнинг Брест қалъаси учун бўлган жанглардан тортиб, то Берлингача ҳарбий юришларни ўзида акс эттирадиган ҳамда Иккинчи жаҳон уруши ҳақида тўлиқ маълумот бериладиган манзилга айланиши кўзда тутилмоқда.

Дарҳақиқат, музей экспозицияларида аскарларнинг кийим-кечаклари, қурол-яроғлари, урушда фойдаланилган алоқа воситалари, ғалаба қозонишимизда муҳим ўрин тутган танклар, поездлар, бронепоездларнинг макетлари, ярадорларга тиббий хизмат кўрсатилган госпиталлар макетлари, ўша даврга оид тиббиёт анжомларини кўриш мумкин.

Мозийга қараб иш кўриш хайрлидир, дейдилар. Ғалаба боғи тарихий жиҳатдан жуда оғир даврда ўзбекистонликларнинг мардлиги, ватанпарварлиги, чин инсоний фазилатлари ва жасоратини намойиш этиш, жамиятда, биринчи навбатда, ёш авлодда халқимизнинг фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага қўшган муносиб ҳиссасига ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини уйғотишга хизмат қилади, уларнинг ватанпарварлик руҳида тарбияланишига муҳим ҳисса қўшади. Бинобарин, ўзининг азиз жонини тинчлик-осойишталик ва озодлик учун фидо қилган ҳазрати инсонларнинг бетимсол жасорати ва фидойилиги, ёркин хотираси олдидаги эъзоз ва эҳтиромнинг юксак намунасига айланади.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ БАРҲАЁТДИР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

* * *

Қутлуғ байрам арафасида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан яна бир янги нашр – "Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари" номли китоб ўзбек тилида кенг ўқувчилар оммасига тақдим этилди.

Янги аниқланган тарихий маълумотлар асосида тайёрланган ушбу китобда Иккинчи жаҳон урушида чинакам жасорат намуналарини кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган ўзбекистонлик аскар ва офицерлар, генераллар, шунингдек, ўзининг мардлиги билан учала даражадаги Слава ордени билан тақдирланган ватандошларимиз ҳақидаги маълумотлар хронологик тарзда келтирилади.

Китобдан номлари жой олган инсонларнинг барчаси миллати, тили ва динидан қатъи назар, жонажон Ватанимиз ҳимояси, унинг фаровонлиги ва ободлиги йўлида фидокорона хизмат қилган, ҳаёти ва фаолияти Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган қаҳрамонлардир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм балосига қарши курашда кўп миллатли Ўзбекистон халқи томонидан амалга оширилган буюк тарихий ишларни келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ғоя муҳим аҳамиятга эга".

Халқимизнинг яқин ўтмишидаги шонли тарихи, башариятни фашизм балосидан халос этишга қўшган улкан ҳиссаси, енгилмас иродаси ва матонатидан ҳикоя қилувчи ушбу нашрлар юртимизда инсон хотираси азиз ва муқаддас эканини намоён этиш билан бирга, ҳар биримизни уруш даҳшатларини унутмасликка, бугунги тинч ва осуда ҳаётни қадрлаб яшашга даъват этади.

ЎзА

САХОВАТЛИ МИЛЛАТ ҲАМИША ҒОЛИБ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

ОҚИБАТЛИ ХАЛҚДИР ХАЛҚИМИЗ

1 май куни рўй берган Сардоба воқеаси ҳақида эшитганим замон ўша воқеа, ўша қўрқинчли манзара ва ўз жонини аямасдан оқимга ўзини отган жасур юртдошим кўз олдимга келди. Воқеа тонгда рўй берган, кўпчилик уйқуда бўлган. Шундай пайтда аҳолини тошқиндан хабардор қилиш, уларни хатарсиз жойга олиб боришнинг ўзи бўлмаган, албатта. Миллий гвардиянинг 2 нафар ходими, ёш-ёш йигитлар ўзлари ҳалок бўлиб, юзлаб, балки минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишди.

Мамлакатимиз раҳбарининг воқеа жойига зудлик билан етиб боргани саросимага тушган кишилар кўнглига хотиржамлик бағишлагани шубҳасиз. Президентимиз уй-жойини ташлаб чиққан аҳоли билан учрашиб, офатдан жабр кўрган ҳар бир инсон эътиборга олиниши, барча уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминланишини таъкидлади. Буларнинг барчаси давлат ва ҳукуматнинг юртда бўлаётган ҳеч бир ҳодисага бефарқ эмаслигини кўрсатади. Халқимиз ташаббускорлигини айтмайсизми!.. Бир томондан водий аҳли, пойтахтликлар, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, қўйингки, бутун мамлакат оёққа турди. Озиқ-овқат дейсизми, кийим-кечак, кўрпа-тўшаккача ортилган саховат карвонлари пайдар-пай Сирдарё вилояти томон кела бошлади. Султон суягини хўрламас, деганларидек, ўзбек ўзининг қондошини мусибат билан ёлғиз қолдирмаслигини яна бир карра намойиш эта билди. Вақти келади, бу ҳодиса бор тафсилотлари билан бадиий асарларга кўчади, фидойи инсонлар образлари яратилади. Бир нарсани комил ишонч билан айта оламанки, Сардоба ҳодисаси халқимиз қудратини, жипслигини, азалий ота-боболар анъанасига содиқ эканлигини кўрсатди. Ёшми, кексами, эркакми, аёлми — ким бўлмасин, четда турмасликка, табиий офат жабрдийдаларига ёрдам беришга интилганига гувоҳ бўлдик. Ҳали мактабга ҳам бормаган болакай ўзининг 64 минг сўмлик жамғармасини сирдарёлик тенгқурларига ёрдам сифатида топшириб кетганига нима дейсиз! Шахсан ўзим гувоҳ бўлган бундай фидойиликлардан биттасини айтиб ўтсам. Жиззахлик бир ижодкор опамиз шаҳарда уйим бор, икки-уч хонадон аҳлининг яшаши учун шарт-шароит бор, шуни бераман, дея қўнғироқ қилганида, очиғи, кўзларим ёшланиб кетди. Бир устозимиз воқеа содир бўлган ҳудудда бўлганида унинг ёнига одмигина кийинган кекса отахон келади: "Ўғлим мана бунда (пластик картасини кўрсатиб) пенсия пулим бор, шуни эҳсон қилмоқчиман, лекин буни қандай ўтказишни билмайман. Билсанг, шуни шуларга ўтказиб бергин...", дейди. Ҳа, бу Ўзбек. Ўзи емаса емайди, муҳтожга илинадиган халқ. У минг йил аввал ҳам шундай эди, ҳозир ҳам шундай. Иккинчи жаҳон уруши йилларида неча юз минглаб етим-есирни бағрига олган ҳам шу халқ эди. Саховат ва муҳаббатини ҳеч қачон дариғ тутмайди. Бизнинг халқимиз ана шундай оқибатли халқдир. Ана шундай халқ бирор бир мусибат олдида довдираб, йўлини йўқотиб қўйишига шахсан мен ишонмайман. Мамлакатимиз раҳбари айтганидек, бу халқ, Худо хоҳласа, бундай мусибатларни бирдамлик, жипслик, ҳамжиҳатлик билан енгади.

ХАЛҚНИ АСРАШ ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗ

Бу йилги баҳор серташвиш келди. Пандемия туфайли карантинда қолдик. Апрель охирида Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари кучли тўфонлар хуружига учради. Уй-жойлар, автоулов воситалари, бинолар ва экин майдонлари анчагина зиён кўрди. Шу боис Президентимиз Бухоро вилоятига етиб бориб, мавжуд ҳолатни ўз кўзи билан кўрди, маҳаллий аҳоли вакиллари, фаоллари билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбари, халқимиз ҳамжиҳат бўлиб, бундай синовларни кўп енгиб ўтган, бу сафар ҳам зарур чора-тадбирлар қўрилиб, талофат оқибатлари тезда бартараф этилади, руҳни туширмай биргаликда курашсак, бу қийинчиликлардан кучли бўлиб чиқамиз, дея таъкидлади. Айниқса, юртимиз раҳбарининг ҳар битта маҳалла, ҳар битта кўча мен учун мукаррам, азиз халқимни асраш, қутқариш мен учун ҳам фарз, ҳам қарз, деган мазмундаги сўзлари табиий офатдан жабр кўрган юртдошларимиз руҳини кўтаргани, эртанги кунига ишончини мустаҳкамлагани шубҳасиздир. Мана бу ҳақиқий маънода жон фидоликдир. Бундан эса ҳар бир элдошимиз ўрнак олса арзийди. Кўргуликларнинг боши ҳам, охири ҳам шу бўлсин, илоҳим. Албатта, бунга ҳам бизнинг халқимиз томошабин бўлиб қараб турган йўқ. Уларга ҳам кўнглида саховат нияти бор кишилар имкониятидан келиб чиққан ҳолда кўмак беришди ва беришмоқда. Халқимиз шу ерда ҳам ўзининг катта муҳаббат соҳиблари меросидан бахраманд миллат эканини амалда исбот этолди. Шукур, табиий офат талофатлари аста-секин бартараф этилмоқда. Давлат ва ҳукуматимиз томонидан халқ бахту саодати учун қилинаётган хатти-ҳаракатлар тез фурсатларда ўз натижасини беради.

САХОВАТ БОБОМЕРОС ФАЗИЛАТ

Коронавирус дея ном олган кўзга кўринмас бало бани башарни саросимага солиб қўйгани ҳам бор гап. Худога шукур, мамлакатимизда бунинг оқибатининг олдини олиш учун ўз вақтида чора-тадбирлар қўлланилди. Кишилар ҳам бир ёқадан бош чиқариб, барча кўрсатмаларга амал қилишди. Аста-секин хавф ортга чекинмоқда. Тўғри, қонун-қоидаларга амал қилмай юрганлар ҳам бўлди. Улар ҳақида эшитганимизда кўнглимиз ранжиди. Эй инсон, бу тартиб аввало ўзинг, кейин бошқаларнинг саломатлиги учун-ку, нега тушунмайсан. Кўчага чиқиб, қайтиб келадиган жойинг оиланг бағри бўлишини наҳотки англаб етмасанг. Болаларинг, ота-онанг умуман яқинларинг ҳақида қайғурмайсанми, деган мулоҳазалар ҳар бир виждони бор киши кўнглидан ўтди, деб айта оламан. Ваҳоланки, бундай тартиб мамлакат учун осон эмас. Корхоналар, фабрикалар каби қатор ишлаб чиқариш хизматлари фаолиятининг бир муддат тўхтаб қолиши ёки секинлашиши давлатга қанчалар муаммолар туғдиришини бир ўйлаб кўрайлик. Шундай пайтларда юрт эгасининг оғир вазминлик билан олиб бораётган сиёсати дилларга қанчалар далда берганини кўриб-билиб турибмиз-ку, ахир. Шу ўринда

Ибн Сино бобомизнинг ҳақиқий издошлари – шифокорларга алоҳида ташаккур. Улар жонларини хатарга қўйиб бу кўринмас офатни даф этиш учун заҳмат чекишмоқда. Шундай кезларда кишиларнинг бир-бирларига кўмак, саховат кўрсатишга ундашдек хайрли даъват халқимизни яна ҳам жипслашувига хизмат қилди, деб айта оламан. "Саховат ва кўмак" ҳаракати сабаб қанча-қанча хонадонлар ғамгин паллалар азобини деярли сезишмади. Аслини олганда, бу саховат боболаримизнинг азалий фазилатлари чашмаларидан сув ичган, шундай эмасми. Шу ўринда Президентимизнинг даъватларидан руҳ олиб ёзилган бир шеъримни ҳам келтириб ўтсам:

Нурли ибрат порлар кўкда қуёшидан,
Унинг каби меҳринг сочиб, муҳаббат қил.
Кўп хайрли ташаббус бу Юртбошидан,
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.

Оғир дамда бир ёқадан чиқариб бош,
Менинг халқим, мусибатга қилган бардош,
Қўшнисининг уйига ҳам узатган ош,
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.

Ўзим бўлай, сўзин, элдан жудо айтган,
Эл билан бўл, сўзин, элга фидо айтган,
Бирингга ўн бераман, деб Худо айтган,
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.

Юзинг қандай ёруғ бўлсин, нуқсон билан,
Олам гўзал, иймони бут инсон билан,
Киши моли камаймайди эҳсон билан,
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.

Бир майизни қиркка бўлиб еган халқим,
Яхши-ёмон кунда, Аллоҳ, деган халқим,
Севган қулин сабрин синар экан, халқим,
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.

Мен бир эрка боланг, дала-даштда юрдим,
Ҳар гардингни юзга сурдим, кўзга сурдим,
Қўлинг доим баланд бўлсин, она юртим...
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.

Нурли ибрат порлар кўкда, қуёшидан,
Унинг каби меҳринг сочиб, муҳаббат қил.
Кўп хайрли ташаббус бу Юртбошидан,
Элдошингга кўмак бергил, саховат қил.

ҚЎЛИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ЮРТИМ

Кишига тоқатидан ортиқ мусибат берилмайди, деган ҳикмат бор. Коронавирус-ку, бутун жаҳон аҳли қатори бизнинг халқимизни ҳам ташвишга солди. Ҳали айтганимдек, 2020 йилнинг баҳори мамлакатимиз ва халқимизга икки карра оғир келди. Авжи баҳор, далаларда иш қайнаган паллаларда табиий офатлар, кутилмаган фалокатлар рўй берди. Нима ҳам қилардик, мусибатларни матонат билан қарши оламиз, бир-биримизга меҳру муҳаббатли, оқибатли бўламиз. Қанча уруш-талаш, қанча зулм-машаққат кўрган халқим матонати билан ғолиб бўлади. Али ибн Абу Толиб розиялло́ҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Садақани эртароқ қилинглар. Чунки бало-офат уни ҳатлаб ўта олмайди", деганлар. Худо хоҳласа, халқимизнинг жипслиги, меҳнаткашлиги, бардошлилиги, хайр-саховати ва муборак Рамазон кунларида қилинган дуолар самараси билан бу қийинчиликларнинг барчаси ортда қолади.

Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари

ЛОЛАҒА АЙЛАНҒАН ҮМИДЛАР

Туркум

Туғилган вақтим

Ёш қўшнимга

Дахшатли замонда кўз очдим илк бор,
Йиғим сезилмади фарёдлар аро.
Тириклар ўларди, ўлик эса хор,
Аёллар эгнида фақат кўк мато:

Замонки, урушнинг замони эди,
Ёмғирдек ёғарди ерга қайғулар;
Осмонки, қорахат осмони эди,
Қушларнинг ўрнига учарди улар.

Дарахтлар ўларди одамлар каби –
Айланиб қўндоққа, ёғочоёққа.
Очликдан кўкарган гўдаклар лаби
Мадор тополмасди ҳатто титроққа.

Жабҳага ортилмай, пайкалда қолиб, –
Музлаган шолғомни топган болакай
Ўзни ҳис қиларди совринни олиб,
Уйга қайтаётган бахтли полвондай.

Қари-қартанглару қизлар бошида,
Шамол ҳам инграрди қамчи тушганда.
Урушнинг бужмайган зунг қуёшида
Гўё бордек эди бир захарханда.

Портлаган Ғарбдаги киррали тўзон
Қумдек тиқиларди Шарқдаги кўзга.
Барча бўйсунарди қул каби сўзон
Уруш деб аталган биргина сўзга...

Гар бугун қулмасман, хурман юртимда,
Лекин сал эгилиб яшайман, қўшни:
Туғилган вақтим деб мен бошпуртимда
Кўтариб юраман ўша урушни.

* * *

Биз уруш фарзанди бўлиб туғилдик,
Илиги пуч авлод дейишар бизни.
Чунки нафсимизни шарт қия билдик
Жабҳага илиниб улушимизни.

Очликка чидолмай «Нон!» деб қўйганда,
Сотқин тилимизни ғарчча тишладик.
Онамиз алаҳлаб, ёниб-куйганда
Муз қотган кўсакни чўғдек ушладик.

Англардик: жўмарддир ярадор Ватан, –
Нолимай яшарди у онамизда...
Ғалабадан кейин билдик дафъатан
Тандир борлигини ошхонамизда...

* * *

...ногоҳ қулаб тушди ерга бор осмон.
Юстинас Марцинкявичус

Осмон қулаб тушди жангчи кўзига,
Осмон оғир эди – йиқилди жангчи.
Тамом. Келолмади бошқа ўзига,
Бошида дўстлари: ўқчи ва танкчи.

Осмон қулаб тушди жангчи кўзига,
Осмон катта эди – кўз юмилмади.
Ёт шамол хўрсинди боқиб юзига,
Ёт тупроқ кимлигин унинг билмади.

Осмон қулаб тушди жангчи кўзига,
Кўзини ёндилар – ёпилди осмон.
Ғамгин қуш бош чайқаб деди дўстига:
«Бир гўзал осмондан айрилди жаҳон!»

Осмон қулаб тушди жангчи кўзига,
Шовқини қишлоққа йўл олди ойлаб.
Жангчининг айтмаган сўнгги сўзига,
Умрини бахш этди келин йўл пойлаб.

Осмон қулаб тушди жангчи кўзига,
Минг лаънат осмонни отган, эй ёвуз!
Юз босиб, осмонсиз, дарё музига,
Ҳамон зор-зор йиғлар бева чанқовуз.

Урушнинг суврати

Тупроққа энгашган қурумли осмон,
Яхлаган золдирдек қуёш ғилдирар.
Кўз ёшдан намиққан тунда бедармон
Занглаган юлдузлар карахт дилдирар.

Тонг олди мўралар ҳилол хўрсиниб,
Жонсарак тинглайди бўғиқ шамолни
Кечувлар мавжида бирдан чўрт синиб,
Чўчитар қирғоққа қўнган хаёлни.

Сўррайган танкларнинг тўсиб йўлини,
Ер бўйлаб ётади Номаълум Аскар.
Иккала қутбга чўзиб қўлини,
Ўзига ном сўрар, ибодат сўрар.

Шунда Шарқу Ғарбдан узилган видо
Иккала уфққа қон бўлиб сачрар.
Ўқ тешган каскадан мўралар Дунё.
Ҳандаққа қоқилар... Оёқдан ажрар...

Сўнг, қўлтиқтаёқда, букчайган жусса –
У кўп йил каскани юрар кўтариб.
Хотирда тебранган дорларда эса
Мурдалар оёғи турар кўкариб.

Икки аёл ҳақида қўшиқ

Қор тагида чаноқ,
Тилинган қўллар...
«Ҳар мисқол пахта жангчини қўллар!»
Тилинган қўллар
Қуёшли кунларда теришни туш кўрар.
Бирок,
Ер – қаттиқ, осмон – йироқ...

Яхдек булутлардан тойилган оқшом
Титраб, гандираклаб, йиқила бошлар.
Ҳувиллаган ҳовлидан чўчиб,
Кулбаларга тиқила бошлар.
Кулбада
Қорачироқ лип-лип этади,
Тўртта шолғом жажжи декчада,
Икки жуфт кўз – жажжи декчада.
Ногоҳ
Куюк пилик титраб кетади:
Кимдир кириб келар зўрға кўчадан
Ва бирдан
Кулбани «Оҳ!» титратади,
Кулбани қорахат ютади,
Аёз елган
Олам – қоп-қора,
Кириб келган одам – қоп-қора,
Қора, қора, қора!..
Ҳушига келдилар қайнона-келин...
Ўлим юлиб олгандай тилин
Улар жим... жим...
– Эҳ, шафқатсиз фалак!
Ланъати уруш! –
Кириб келган одам кетади –
Беролмай туриш...

Кун ўтди. Тун ўтди. Бир, икки, уч...
Аза очмадилар қайнона–келин.
Кутишга етди куч,
Киприклар супурди йигитнинг йўлин...
Йил ўтди, йил ўтди...
Тугади уруш.
Ғолиблар қайтдилар,
Йигит қайтмади,
Аммо демадилар:
«Бас энди кутиш!»
Қайнона ҳам айтмади,
Келин ҳам айтмади...

– Дилбар, энди сен – қизим,
Ўзингда бўлсин изминг.
Ҳали ёшсан, бас энди мотам,
Турмуш қур, болам.
– Ахир...
Илк бор қайнонага тик боқди келин...
Айтолмади қолган сўзини,
Тутолмади она ўзини...

Хона.
Қандил нурларининг мавжида
Кулиб турар суврат – қора қош йигит.
Жувон –
Бир-икки оқ қуюқ сочида, –
Суратга тикилар, тикилар
Ва хотир бисотин титкилар.
Хаёлда жонланар чақин кўз бургут,
Хайрлашув...
– Омон қайтинг... Унутмайман...
– Қайтарман сени деб,
кўп зор этмайман...
Фақат бир илтимос:
Ҳозир ўпганим –
Шу лаблардан ўзга бир кимса
Қайси кунки бир бора ўпса,
Ўша куни – менинг ўлганим...
Паровоз ...
Кесилади сўз...
Хона.
Она кутади.
Беш йил,
Ўн йил,
Ўн беш,
Йигирма...
– Онажон, она!
Йўқлигимни билдирма!
–Ўғлим!...

Қишлоқ четида
Икки аёл яшар.
Бири – етмишларда,
Бири – қирқ яшар.
Бири – келин,
Бири – қайнона.

Улар ҳануз кутар мардона, —
Ватан шарафига умрин нақш этиб,
Йигирмадан ошолмаган йигитни,
Олис бир ўлкага чирой бахш этиб,
Лолага айланган умидни...

Музроб амакининг айтганлари

Ҳамқишлоғим Музроб Наёпов хотирасига

«Авж олганда фашист хуружи
Қонга ботган мажруҳ дунёда,
Мен Иккинчи жаҳон уруши
Йўлларидан ўтдим пиёда.

Ёнганини кўрдим осмоннинг,
Булутларни кўрдим, чўғ эди.
Бу оч аср, бу оч жаҳоннинг
Қузғунлари фақат тўқ эди.

Умр сўраб қодир Худодан,
Жангга кирдим аямай жонни.
Асрай дедим сариқ вабодан
Жондан азиз Ўзбекистонни.

Олисдаги лойшувоқ томда
Яйраб ўссин қизғалдоқ дедим.
Пода қайтган сокин оқшомда
Хушбўй сочсин пиёздоғ дедим.

Гоҳо ўлим пешкаш боқарди,
Лекин дунё тўладир сирга...
Днепрда сочим оқарди,
Тўлмасимдан йигирма бирга.

Мен-ку, ўтдим, гарчанд, кечувдан
Қаърда қолди не-не шоввозлар.
Ҳали-ҳануз мени уйқудан
Уйғотади ўша овозлар.

Қўрғошиндек, бўккан шинелдан
Тушларимда яна сизар қон.
Ёшлигимни оқизиб кетган
Ўша дарё пишқирар ҳамон...

Мен қаридим, асрим қариди,
Фақат тушлар, хотиралар ёш.
«Буюк жангда сен ҳам бор эдинг!» –
Деб жилмаяр тепамда қуёш»

* * *

Ўн еттига тўлар-тўлмасдан
Жанггоҳларга кетган аскарлар,
Ўлимларга боқиб, ўлмасдан
Ғалабага етган аскарлар,

Навбаҳорнинг куртакларини
Дарахтига қайтиб берган – Сиз,
Эрк жангининг эртакларини
Келажакка айтиб берган – Сиз!

Эшитган кун овозингизни
Гўдаклар ҳам ўйга толдилар;
Тинглаб туриб дил розингизни,
Бешикларга сиғмай қолдилар.

* * *

Омон қайтди, жангчи жабҳадан,
Дунё кўриб, Берлинни олиб.
Уйғонди-ю тунда дафъатан,
Боққа чиқди хаёлга толиб.

Кекса тутга турди-да ёндош,
Бир ҳапқирди кўнгли бузилиб.
Сўнгра оғир икки томчи ёш
Кипригидан тушди узилиб.

Қулагандек худди икки тоғ,
Сўлиш олди дили ёришиб;
Тўрт йил кўзда сақланган фироқ
Шабнамларга кетди қоришиб.

Шу-шу ўтди неча йил, мана,
Аммо у тун чиқмас эсидан:
Дил ҳапқирар ҳар гал шу сана
Янгиланган Ватан ҳиссидан.

9 май

Пикассо тирилар ҳар йили шу кун,
Шарқдан чиқиб келар, ҳамроҳи – қуёш,
Кафтида оқ каптар, кўзларида мунг,
Она Ерга боқиб, бир зум эгар бош.

Бир зумга бош эгар не-не тик ялов,
Тинч оқар хаттоки энг асов дарё;
Номаълум Аскарнинг жасади – олов:
Мажруҳ кўкрагини тоблайди дунё.

Сўнг яна байроқлар мағрур бош тутар,
Дарёлар шовқини қамрар оламни;
Мотамсаро Она сесканиб титрар:
«Шукур, унутмабди дунё боламни!..»

Пикассо, кўнгли тўқ, қайтар оромга...

Хотима ўрнида

Жабҳаларни тўлдирган авлод
Сийрак тортиб, ўтиб боради:
Фашизмни ўлдирган авлод
Бу дунёдан кетиб боради.

Аммо улар эрк берган тупроқ
Сано айтиб ҳар бир қаричда,
Йўлларига ёқади чироқ
Ўнг елкада турган фаришта.

Сажда учун эгилган чоғи
«Аллоҳ!» дея улар мастона,
Ярқ этгандек такрор Тур тоғи
Қутлуғ нурга беланар хона.

Ёшлигини бериб дунёга,
Бугун ўзи қариган авлод
Мухтож эмас «Ур-ҳо, ур-ҳо»га,
Талаб қилмас, ёки мукофот,

Лекин, билсин, уларга кимдир
Боқса кулиб ё қовоқ уйса,
Ажабмаски, лаънатлаб Тақдир,
Ҳар иккала дунёси куйса!

Абдулла ШЕР



ҲИКОЯ

ОҒИР ЮКНИНГ ОҒРИҒИ

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Қулмат бовонинг бир ўзи қолди. Уруш кўрган боволарнинг ҳаммаси бу дунёнинг азобини ернинг устига қолдириб, оёқ узатишди, кетишди. Ана энди ёлғиз Қулмат бово урушнинг жонли-жонсиз тарихи бўлиб сўппайиб қолган. Тирик экспонат. Айниқса, мактаб ўқувчилари май ойи яқинлашаверса, унинг наридан бери чоғроқ кулбаси эшигини дўкиллатиб уравериб тешиб юборгудай бўлишади. Ўшал дамлар Қулмат бово эси йўқнинг ҳам эсига тушади.

— Анави, Қулмат бово қолган, шу тирик. Совға-салом шунга бўлади энди, — дейди Ҳожи муаллимнинг маъракасида бошқалардан ёш бўлса-да, тўрнинг тентаги бўлиб ўтирган Нурмат найнов худди бир нарсадан қуруқ қолган каби. Ичини ҳасад чўғи куйдиради.

— Жони қаттиқ экан, бовонинг. Юзга қараб ўрмалаб бораяпти. Шу чол менинг отам бўлганда эди, кўп ишлар қилардим. Буларнинг замони келди ҳозир, — чийиллайди Долли ғўра. Аллақачон ўлиб кетган отасининг урушга ҳам бормаганидан ичида надомат чекади.

— Ҳозир ҳам қозиқдай. Тушган жойини ўйиб кириб кетади, уккағарнинг бовоси, — Ҳотам кал бош чайқайди, — тойхардай тосирдаб юради-я.

— Нима бўлса ҳам анови Эшмат дудуқнинг Собир биланғирини боплабди-да, бовоси тушмагур, — гапга қўшилади Нусрат бово.

— Биланғиринг нимаси, унинг нимаси биланғир? Соч-соқолини ўстириб, тор шимда худди Тўти танноздайгина бўлиб думбасини ўйнатиб юргилайди-ку, — хихилайди Қурбон қоровул, — ўқишни ҳам ташлаб кетган экан. Ўғлим ёзувчи бўлади, Ойбек, Ғафур Ғулом бўлади, деб кериларди Эшмат дудуқ.

Айни тобда Нусрат бовони остонада кимдир имлаб чақиради. Тошкентда яшайдиган қизи ва куёви меҳмонга қидириб келишибди. Бово ўрнидан қўзғалди. Шундай даврани ташлаб кетаётганига оғринди ҳам, лекин ноилож, куёвига пойи-патак бўлгувчи кампири Турсун момонинг: "Болаларга одамдайгина муомалада бўлинг, безлигингиздан шулар ҳам безиллаб қолган...", деган доимий танбеҳи яна қулоқлари остида қайта жаранглагандай бўлди. "Тезроқ бормасам, еб-ютиб қўяди..."

— Бово биланғир, биланғир дейвердиларинг. Биланғирмас, блогер. Блогер у. Ҳозир шундайчикин иш бор, — дейди маъракага бовоси билан бирга келган кенжа невара Алижон. — Ҳамма жойни ковлаб тилпонга олади, тилпонга тушириб одамларга кўрсатиб кулги қиладиган касб, тушундингизми, энди?

— Ҳимм. Мен сени оғзимни пойлаб, хатомни юзимга урасан деб, маъракага олиб келганмидим? — норизо бўлади бово.

— Ўзингизда бово, шу ошналарингиз билан фақат, қаердаги гапларни қўзғаб ўтирасизлар.

— Бўлди, жим тирмизак...

Улар диму дирс бўлиб, миқ этмай йўлда давом этишади. Барибир набиранинг ичи қизийди:

— Бово, анови блогерни Қулмат бово қандай боплабди? Нима депти?

— Ўша биланғиринг, тунов куни Қулмат бовоникига бориб: "Бово, тўққизинчи майгача соғ-омон туринг. Мен Сиз ҳақингизда бир зўр хушхабар тайёрлайман. Бутун дунёга тарқатаман, дунёга танитаман. Байрам куни эрталаб келаман. Тушиндингиз-а, ўшангача омон-соғ туринг", дебди. Беофаросатнинг гапини қара, шундай ҳам дейдими? Биланғир дейсан, бунинг ақли айиқнинг тезагича йўқ-ку...

— Майлида, бово. Кейинчи-кейин, нима бўпти?

— Бовонинг кўнглига пича малол кепти. Энди худо билади болам, худонинг айтгани-да, деса, ҳалиги биланғиринг: "Ахир мен интервью олишим керак, керак бўлса, айрим жойларга айтиб қўйибман, газет-пазетлар билан ҳам келишиб қўйганман", деб жириллаб қопти.

— Кейин-чи?

— Кейин бово айтибди: Хўп. Яхши. Унда менинг бир шартим бор дебди.

— Қанақа шарт?, — сўрабди биланғиринг.

— Менга қара, сен менга Азроилдан бугун тилхат олиб келиб беролмайсан-ку, Қулмат бовоникига тўққизинчи майгача бормай турасан деб, шундайми? — дея биланғирни гап билан ўйиб олибди.

— Кейин-чи?

— Кейинми, кейин, биланғиринг жим бўпти. Хафа бўпти. Хаёлида боводан ажралиб қоладигандай, турган жойида тайсаллабди. Буни сезган бовонинг шўҳлиги келибди-да шундай дебди: "Болам, сен анави Эшмат дудуқнинг кенжатойисан-а?".

— Ҳа, шундай.

— Унда мени эшит. Отангнинг энаси Тошгул кампир ҳам саксонга кириб қолди-а? Бовонг Райимқул уни айни гуллаган пайти ташлаб кетди-да.

— Бунинг менга нима дахли бор?

— Бор дахли. Иккимизнинг келишувимизга дахли бор.

— Қанақасига?

— Тўққизинчи майга ҳали икки ойча вақт бор. Шунгача, менга шу момонгни бериб турасан. Ана, Холли махсумга уч-тўрт сўм "чой-чақа" берсам, никоҳимизни ўқийди. Хоҳласанг, момонг билан "закис"дан ҳам ўтамиз.

— Бово, эсингиз жойидами? — деб жириллайди биланғир.

— Жойида. Зора булар энди бир-бирига етишди, деб ўлим ҳам инсофга кирса... Балки, икки ой эмас, балки икки-уч йил яна мен билан ана шундай байрамларда чин неварам бўлиб суҳбатлашиб юрарсан, дебди Қулмат бово. Мана шу гап бутун қишлоққа овоза бўлди.

...Чол билан невара қах-қах уриб кулишади.

— Боплабди-ку, — дейди невара.

Чол бош ирғайди.

— Бово, шу Қулмат бово ҳам ғалати-да... Уруш тугашига икки йил қолганда фронтга жўнаган экан. Шу икки йилда Белорусни қутқардим. Польшани озод этдим, Берлинга бориб байроқ урдим дейди. Кўксидаги медалларни шаҳарларнинг номи билан атайди. Бу Минск, бу Варшава, бу Берлин. Буларга қўшиб ер юзининг ярмини кўтариб юрибман, деб қўяди.

— Болам, Қулмат бовонг чин айтади. Урушда бўлган одам урушни нафақат кўксида медал қилиб, балки ўша урушни бор бўйича, барча азоблари, танклару самолётлари, бомбалари, ярадору тирик, ўликлари билан кўтариб юради. Урушда бўлган одамга осонмас. Уруш одамнинг кўксидаги оғир юк. Бу юк ерга оғирлик қилади. Шунинг учун у кўксидаги оғирликни ернинг устига ташлаб қўймайди. "Уруш боволари"нинг барчаси шундай оғир юк билан яшаб ўтишади. Улар бутун ер юзини кўтариб юрадилар, десанг ҳам чин.

— Сиз буни қаердан биласиз, бово?

— Менга буни отам, сенинг Раҳмон бовонг айтган. Худо раҳматли отам ўлаётиб, уруш бир оёғимни юлқиб олди. Оёғим Берлинда қолиб кетувди. Ҳозир оёғим Берлинга оғирлик қилмаяптимикин, деганди.

...Бола анчагача жим кетади. Бармоқларини санайди. Ўзича ниманидир ҳисоблайди. Тўққизинчи майгача ҳали эллик бир кун вақт борлигини чамалайди. Хаёлида Қулмат бовонинг кўкси жуда катталашиб боради ва унда акаси глобусда кўрсатган шаҳарлар намоён бўла бошлайди. Минск, Варшава, Берлин... ва ҳоказолар... Кўчалар, одамлар, улкан иморатлар, бари-барини Қулмат бово кўтариб тургандай бўлади.

"Қулмат бово ростдан ҳам азамат, полвон бово", — деб ғудранади ўзича. Ва, туйқус, ёдига эчки соқол, сочини қизларникидай ўстириб, тор шим кийиб юрадиган Собир биланғир тушади ва бовонинг кўксидаги медаллар ичидан унинг тиржайиб турган ангори пайдо бўлади. "Биланғир бўлсанг, ўзингга, лекин Қулмат бовонинг кўксига сен киролмайсан, сенга унинг кўксида жой йўқ", деб қўяди ўзича.

ОЙБЕК

«Юрагимда Ватаним...»

Йиғи келмайди сира...
Ғазабдан қақраган кўз.
Бу йўлларнинг яхидек
Лабимда қотипти сўз.

Қошлар, киприклар қиров —
Юраман ҳушсиз, ҳайрон.
Қорним оч, эсга келмас
Халтамдаги ғиштдек нон...

Қуйган уйларда увлар
Қиш қуюни бетиним.
Танҳо кезаман. Йиғлар
Юрагимда Ватаним.

1944

Асқад МУХТОР

Европада қолган қабрлар

Тўхтаб ўтар бунда навбатма-навбат
Оналар, аскарлар, чоллар, вазирлар...
Гулларга бурканиб ётар то абад,
Европада қолган қабрлар.
Халқим, унинг ҳар бир бўғини,
Ҳар гўдакнинг умрин қадрлар.
Бунга яна ундайди уни,
Европада қолган қабрлар.
Ўлкам кўм-кўк, боғлар меҳнаткаш,
Ерни чирмаб ётар томирлар.
Шу боғларнинг илдизига туташ,
Европада қолган қабрлар.
Юлдуздай узилар пишган ширмой нон,
Тонг шафағи каби тандирлар.
Насибалар узилмайди ҳамон,
Европада қолган қабрлар.
...Ҳар баҳор кимнидир йўқлар сингари
Лоладан тебранган адирлар...
Қалбимнинг лоладек ўт парчинлари,
Европада қолган қабрлар.

Абдулла ОРИПОВ

Қонли кўйлак

Бер, онажон, бер отамнинг
Кўйлагини қўлимга.
Бергил, майли, чиқсин яна
У муқаддас йўлига.

Бер, кўйлакни байроқ этиб
Қадаб қўяй қуёшга.
Тонгда балқиб, қони билан
Кўринсин қари-ёшга.

Майли, бир зум тирик олам
Бўлиб қолсин ҳайронлар.
Қонли кўйлак порламоқда,
Бокингиз, эй инсонлар.

"Боқинг, уруш даҳшатидан
Огоҳ бўлинг, яхшилар.
Бўлмасин-чун кўйлаклар қон,
Сергак бўлинг, яхшилар".

Қонли кўйлак коинотни
Чорлаб турсин шундайин.
Бер, онажон, жанг гувоҳин
Мен қуёшга қадайин.

Бизнинг узоқ авлодлар ҳам
Келганида дунёга,
Кўргай, мангу тинчлик учун
Нелар кечган дунёда!

Зоҳиджон ОБИДОВ

Қани эди

Қордан ясаб бошларга болиш,
Тунаганмиз болиш қучоқлаб.
Қақшатарди аёв билмас қиш,
Ёвга биздек қаҳрини чоғлаб.

Болта билан чопиб қора нон,
Бўлишганмиз увоқ ҳам қўймай.
Ҳар ҳандақ — уй, том эди — осмон,
Ёв қувганмиз уйқуга тўймай.

Шундай кечди беором тунлар,
Ов қилмоқни қўймасди ажал.
Қонга ботди ёп-ёруғ кунлар,
Жазавага кириб жанг-жадал.

Тушда кўриб висолни фақат,
Хат битганмиз кўндоққа қўйиб.
Хат кутганмиз бўлиб бетоқат,
Ўлим вахмин бир ёққа қўйиб.

Жангда ўтди муҳаббат пайти,
Қон қақшади қанча маъшуқлар.
Бутун бориб, яримта қайтди,
Ишқ билан маст не-не ошиқлар.

Тумор нусха – учбурчак хатлар
Боғлиқ ётар энди сандиқда.
Аммо ҳамон санчиқ кўрсатар
Ўклар изи эски чандиқда.

Биз-ла кетсин ўша дард-алам,
Бахт юзлансин барча ошиққа.
Қаранг, қандай дилбар бу олам,
Жаҳон тўлсин қувноқ қўшиққа.

МАНГУ ЗАФАР ТАРАННУМИ

Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги нишонланаётган шу кунларда эл-юртимиз озодлиги, адолат тантанаси учун фашизмга қарши кураш мавзусида илк асарлар ёзилганига ҳам саксон йил бўляпти ва бу мавзу жаҳон адабиётида ўзига хос жанговар руҳи билан ажралиб туради. Жумладан, ўзбек адабиётида ҳам фидойи адибларимиз яратган турли жанрлардаги асарларда халқимиз бошидан кечирган кунлар – фронтнинг олдинги чизиқларидаги мард йигитлар жасорати-ю, фронт ортидаги машаққатли оғир турмушгача – барча-барчаси ўз ифодасини топган. Бу асарлар ўз даврида халқни сафарбарликка ундаб, ғалаба жангига чорлаган бўлса, бугунга келиб ёшларда оловли йиллар ҳақида ёрқин тасаввур уйғотади, тинчликнинг қадрига етишга ундайди, Ватан озодлигини, мустақилликни улуғлайди.

Босқинчи фашистларга қарши урушнинг биринчи кунларидан бошлаб ўнлаб ўзбек ижодкорлари ҳам фронтга отланди, қақшатқич жангларда мардона иштирок этиб, оташин асарлар яратишга ҳам фурсат топди. Фронт ортида колиб ижод этган ёзувчи ва шоирлар ижодида жанговарлик етакчи мавзуга айланиб, жангчилар қалбига қасос оловини ёқа олди.

Бир қўлида қуролу бир қўлида қалам билан жангга кирган Султон Жўра 1943 йили Белоруссия тупроғида айни кучга тўлган ўттиз уч ёшида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Шоир ўн йил давом этган қиска, аммо самарали ижодий фаолияти давомида ўзбек болалар адабиётида ўзига хос ижод намуналарини, "Ёмғирдан сўнг", "Соғинчли салом" сингари шеърий китоблар, пьесалардан иборат адабий мерос колдирди. Кейинчалик "Сайланма" асарлари чоп этилди. Таниқли ҳужжатли фильм усталари Малик Қаюмов, Ўктам Ризаев ва Файзулла Хўжаев белоруссиялик операторлар билан ҳамкорликда жанг майдонида жон берган Ўзбекистон рассомлари, ёзувчилари, артистлари ҳақида "Аланга бўйлаб учиб ўтган қушлар" номли ҳужжатли фильмни суратга тушириганда картина ғоясига жангчи Султон Жўранинг ҳаёти ва ижоди асос килиб олинган.

Сталинград остоналарида мардона жанг қилиб, яраланиб, кўзлари ожиз бўлиб колган ёзувчи Вали Ғофуров юртга қайтгач, ижодини матонат билан давом эттирди. У икки китобдан иборат "Вафодор" романини игнада ёзди. Метин ирода, бирода рлик тараннум этилган бу асар дунёдаги кўплаб тилларга таржима қилинди. Ленинград бўсағасида кечган жангларда яраланиб уйга қайтган шоир Зоҳиджон Обидов уруш хотиралари асосида кўплаб оташин шеърлар ёзди, унинг кўплаб битиклари халқимизнинг севимли қўшиқларига айланди.

Уруш йилларида ҳарбий журналистлар сафида қалами чархланган Мирзакалон Исмоилий, Илёс Муслим, Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим, Назармат, Адҳам Раҳмат сингари устоз адиблар фронтнинг олдинги жабҳаларида бўлиб, жангчиларнинг қаҳрамонликлари ҳақидаги бадиий асарлари, мақолалари, тезкор хабарлари билан сафдошларининг жанговар руҳини кўтардилар. Албатта, ўша оловли йилларда ғалабанинг асосларидан бири аскарнинг қалбидаги ишонч, мардлик бўлган эди, бу эса, шубҳасиз, ижодкорлар зиммасига қатта масъулият юклаган.

Урушдан сўнг Назир Сафаров "Ўк ўтмас бо-тир", "Водиллик қаҳрамон", "Севги", "Қаҳрамоннинг туғилиши", "Сўнгги нафасгача" каби ўзига хос очерклар ёзди. 1937 — 1945 йилларда фашизмга қарши жангларда қатнашган Иброҳим Раҳим кейинчалик "Чин муҳаббат", "Фидойилар", "Генерал Равшанов" романларида босиб ўтган жанговар ҳаёт йўлини қаламга олди. Фронт ҳикояларидан иборат "Озод инсон ҳақида қўшиқ" тўпламини нашр этган атоқли адиб Мирзакалон Исмоилий 1942-1947 йиллар давомида ҳарбий хизматда бўлиб, Сталинград мудофааси ҳамда Берлин учун жангларда иштирок этди. Давлат арбоби, атоқли адиб Шароф Рашидов уруш йилларида ёзган шеърларини жамлаб "Қаҳрим" номли тўпламини чоп этди. Машҳур "Ўқитувчи" романи муаллифи Парда Турсун 1939 йилда урушга кетиб, олти йил қўлда қурол билан Ватан учун жангларда қатнашди. Устоз адиб Назармат аввалига взвод командири, кейин, 1944 — 1947 йилларда "Фронт ҳақиқати" газетаси ходими сифатида фаолият олиб борди. Иккинчи жаҳон урушида зобит сифатида жангчиларга бошчилик қилган Шуҳрат фронтда кўрган-кечирганлари, орттирган катта ҳаётий тажрибаси асосида халқимизнинг қаҳрамонона ҳаётини ўзида мужассам этган "Шинелли йиллар" романини яратди. Атоқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов урушда снайпер сифатида иштирок этиб, қатор орден ва медаллар билан тақдирланди. Шунингдек, Султон Акбарий, Суннатулла Анорбоев, Мумтоз Муҳамедов, Шарафжон Орифий, Душан Файзий сингари кўплаб ижодкорлар фронтнинг илғор бўлинмаларида жанг қилдилар. Жўлмирза Аймурзаев, Пирлепес Тлегенов, Тажетдин Сейтжанов сингари атоқли қорақалпоқ адиблари оловли жангтоҳларда ғалаба учун курашиб, юртга қайтгач, самарали ижод қилдилар.

Урушда қатнашган устоз адибларнинг ўз кўзлари билан жангтоҳларда кўрган-кечирганлари асосида яратган асарлари, шубҳасиз, адабиётимизнинг ёрқин саҳифалари ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ватанпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик мавзуларида барҳаёт асарлар ёзилди. Устоз адиблар – Ғафур Ғуломнинг "Сен етим эмассан", "Вақт", "Соғиниш", Ойбекнинг "Зафар бизники", "Зебо", "Шон байрами" сингари шеърлари, достонлари, "Навоий", "Куёш кораймас" романлари, Максуд Шайхзоданинг "Жалолиддин Мангуберди" тарихий драмаси, "Қураш нечун?", "Жанг ва қўшиқ" шеърий тўпламлари, Ҳамид Олимжоннинг "Муканна" шеърий драмаси, "Қўлингга қурол ол", "Жангчи Турсун" балладалари, Рахмат Файзийнинг "Сен етим эмассан" киносценарийси сингари дурдоналар адабиётимиз тарихида муҳим аҳамият касб этади.

Бу йилларда самарали ижод қилган Ойдин "Мардлик — мангулик" ҳикоялар тўпламини, Абдулла Қаҳҳор "Асрор бобо", "Дардақдан чиққан қаҳрамон" сингари ҳикояларини, Миртемир "Вабо", "Ўч", "Она шаҳрим" сингари ўнлаб шеърларини, Зафар Диёр "Қурол беринг менга ҳам", "Тўққизинчи май" шеърларини, Амин Умарий "Қасамёд" шеърий тўпламини, Зулфия "Уни Фарҳод дер эдилар" шеърий тўпламини, "Қўлимда қуролу устимда шинел", "Бизни кут" шеърларини, Тароб Тўла "Шодлигим", "Табассум" китобларини, Асқад Мухтор "Ғалаба ишончи", "Жангчининг байрам кечаси", "Туғишганлар қайтди" каби шеърларини, Собир Абдулла бир қатор шеърлари билан халқни Ватан озодлиги йўлида фашизмга қарши курашга чорлади. Ҳамид Ғулом "Днепр бўйида", "Ғалаба йўлида" асарларида халқимизнинг фашизмга қарши курашидаги қаҳрамонликларини, Саид Аҳмад "Уфқ" трилогиясида урушдан олдинги ва кейинги даврлар халқ ҳаётини тасвирлади.

Иккинчи жаҳон уруши мавзуси адабиётда мангу мавзу бўлиб, урушдан кейин туғилган ижодкорлар авлоди ҳам бу мавзуга мурожаат этиб келмоқда.

Халқимизнинг тарихи буюк, хотиралари мукаддас, жасоратлари унутилмас, алломалари улуғ, тарих зулматини ёритгувчи йўллари нурафшон. Иккинчи жаҳон уруши даврида яратилган асарлар Ватан тарихининг унутилмас саҳифаси сифатида келгуси авлодларга олис ўтмиш, фидойи ота-боболарнинг ёрқин ҳаёт йўли, зафарлари ҳақидаги мангу қўшиқ бўлиб янграйверади.

Ҳумоюн АКБАРОВ

Менинг бобом Сергей Александрович Крюков Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги нишонланишига бир йил қолганда оламдан ўтди.

Антонина ИПЛИНА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МЕНИНГ ТАНКЧИ БОБОМ

1942 йил охирида Сергей Крюков ўзининг ўн беш ёшли тенгдош дўстлари билан Наманган шаҳар ҳарбий комиссариатига "Биз Ватанимизни ҳимоя қилиш учун урушга боришни истаймиз", дея мурожаат қилишади. Ҳали ўн саккизга тўлмагани сабабли уларни уй-уйига қайтариб юборишади. Бирок ёшлик ёшлик-да, бир ишни бажаришга қарор қилган навқирон қалбни ҳеч ким мақсадидан қайтаролмайди. Шундай қилиб, менинг бобом ўзига ўхшаган тўққиз нафар ўжар ўртоғи билан вокзалга боради, Тошкент йўналишидаги юк поезди вагонларининг кўмир сақланадиган яшиклари ичига кириб беркиниб олишади.

Тошкентда эса аскарлар билан лиқ тўлган эшелон фронтга жўнашга тайёр эди. Тасодифни қарангки, поезд жўнаши арафасида наманганлик йигитчалар тўс-тўполонда ўн беш нафар аскари кочиб кетган лейтенант билан учрашиб колишади. Ҳарбий қисмдаги ўн бешта кочоқ учун командир ҳарбий дала суди олдида жавоб беришга тўғри келарди. Болалар ўзларининг ҳақиқий ёшини яширишади. Айни муддао: йигитчаларга ишонган лейтенант уларни ўз қисмига қабул қилиб, рўйхатга олади. Шундай қилиб урушга боришдан кочган катта ёшлилар ўрнига улар фронтга жўнаб кетади. Бобом ўз хохиши билан кўнгиллилар сафида Тошкентдан Уралга жўнаб кетади, Оренбург остонасида ҳарбий тайёрлов бўлинмасига жойлашади. Шу ерда 1943 йил январь ойида ҳарбий касамёд қабул қилади ва Владимир шаҳридаги 9-ўқув танкчи полкига жўнатилади.

Уч ойлик танкчи механик ҳайдовчилик курсини битиргандан сўнг бобом 1943 йили март ойида ушбу мутахассислик бўйича гувоҳнома олади. Шундан сўнг Москва остонасида жойлашган Ногинск шаҳрига техника олиб келиш учун хизмат сафарига жўнатилади. Бирок у ерда фақат "Валентайн" номли (бобом "Валентинлар" деб айтарди) инглиз танклари бўлиб, уларнинг зирҳи немисларнинг "Тигр", "Пантера" русумли танкларига нисбатан анча кучсиз эди. Шунинг учун бобом хизмат қилган танкчи полк русларнинг Т-34 русумли мустаҳкам танклари билан қуроллантириш учун Миасс шаҳрига жўнатилади.

Полк танклар билан таъминлангандан сўнг, Т-34лар Белгород остонасига, Курск Ёйига олиб борадиган поезд платформаларига олиб чиқилади. Шундан сўнг бобом тезкор-стратегик қўшин таркибида Курск, Белгород – Харков жангларида, Днепр учун олиб борилган ҳужумларда иштирок этади.

У Белгород, Курск, Орёл, Харковни озод қилишда жон бериб-жон олиб курашган. У ерларда бобом "жанговар синов"дан ўтган. Бу қонли кирғинда контузия олади, окибатда кулоғи яхши эшитмайдиган бўлиб колади. Курск жангларидан сўнг уларнинг жанговар бўлинмаси Смоленск этагида дарёнинг кулайрок ўзанини топади. Бирок кўп сонли катта кўшин билан Днепрдай дарёнинг нариги қирғоғига кечиб ўтиш барибир осон бўлмаган.

Киевни озод қилиш жангларида бобомнинг танки минага дуч келиб портлаб кетади. Жони омон колади, лекин жароҳатланади. Фронт ичкарисидаги госпиталда уни бир ярим ой даволашади. Тузалганидан сўнг 38-армия сафларида жанг қилади. Польша, Руминия, Венгрия, Вена ва Берлинни озод қилишга ҳисса қўшади. 1945 йилнинг апрелида Эльба дарёсидан кечиб ўтишади. Кечувда АҚШ ҳарбий қўшини билан рўбарў келишади. У ерда бобом орасида кўпгина қора танли аскарлари бўлган америкалик ҳарбийларни кўрганини айтиб берган эди. Сўнг Берлинга ҳужум бошланади. Берлинни забт этишда кўрсатган жасорати учун бобом медал билан мукофотланади.

Ниҳоятда кўп нарсаларни кўрган ва кўп азоб чеккан бобомнинг ҳаётига оид ушбу маълумотлар мингдан бири ҳам эмас. 9 май муносабати билан мактаб ўқувчилари бобом билан суҳбатлашгани уйимизга келганида шу гапларни эшитганмиз, холос.

Бобом уруш ҳақида сўзлашни ҳам, ҳатто уни эслашни ҳам ёктирмас эди. У ниҳоятда камтар ва камсуқум одам эди. Уруш ҳақидаги саволларимизга эса ҳамиша "Уруш жудаям даҳшатли эди" деган биргина гап билан нукта қўяр эди.

Менинг бобом урушга ўз ихтиёри билан борган, танкчи бўлиб жанг қилган, кўрсатган жасорати учун кўплаб мукофотлар билан тақдирланган. Тақдир бобомга уйга омон қайтиш, фарзанд кўриш, невараларини эркалатиш саодатини ато этган экан. Ахир, у отаси каби урушнинг ҳар лаҳзасида ҳалок бўлиши мумкин эди. Бобомнинг отаси сержант Александр Фёдорович Крюков 1905 йилда туғилган бўлиб, Наманган шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан 1941 йилнинг 23 декабрида урушга жўнатилади ва 1945 йилнинг апрелида эса Берлинда дом-дараксиз йўколади. Ота ва ўғил Берлинда дийдорлашишни ният қилишган эди. Ахир, ғалабага атиги бир неча кун колган эди, афсуски, уруш қисмати уларни бир-бири билан учраштирмади. Отаси П/П 32857 д манзилидан жўнатган мактуб олган эди, "Ҳадемай кўришамиз, ўғлим!" деган сўзларни ёзган эди... Суриштирганида "ярадорлиги сабабли ҳалок бўлган бўлиши мумкин" деган хабарни олади. Бобом отасининг дийдори қиёматга колганини бутун умри давомида армон қилиб ўтди... Айни пайтда менинг катта бобом А.Ф.Крюковнинг номи Хотира майдонидаги "Шон-шараф китоби"га зархал ҳарфлар билан битилган. Ўша китобда менинг яна бир катта бобом Лев Петрович Шеховцовнинг номи ҳам ёзилган. У 1903 йилда туғилган 1942 йилда Киров вилояти Торопец шаҳри остонасидаги жангларда ҳалок бўлган.

Бобом 1951 йилгача ҳарбий қисмларда танкчи, жанговар ва юк машиналари ҳайдовчиси бўлиб хизмат қилди. Ғалаба қилишингизга нима ёрдам берди, деб сўраганимизда у: "Жасорат, халқ ва армия қудратига ишонч. Биз Ватанимизни ҳимоя қилиш ва халқимиз ишончини оқлаш учун жангга кирган эдик", деб жавоб берган эди. Бизнинг боболаримиз мана шундай ботир ва матонатли жангчи бўлишган.

Урушдан кейин бобом Ўзбекистонга қайтиб, "ЗИЛ", "КрАЗ" каби оғир юк машиналарини бошкарган, қурилиш соҳасида хизмат кўрсатган. Катта Фарғона канали насос станциялари, сув омборлари, йўллар бунёд қилишдек зарбдор қурилиш ишларида меҳнат қилган.

У умрининг сўнги кунларигача ҳаётсевар, меҳнаткаш ва ҳамиша масъулиятли инсон бўлиб колди. У "Мен танкчиман, ҳеч нарсадан кўркмайман", дер эди. Бирок урушдан жисмида олиб келган фашистлар снарядининг кўрғошин парчаси кунлардан бир кун у севимли боғида гулзорни чопиқ қилаётган пайтда ўз ишини қилди, кўксини душман ўқи тешиб ўтган аскардек тўсатдан ерга йиқилди ва шу заҳоти жони узилди. У 91 ёшда эди.

Нафақат уруш қатнашчиси бўлгани учун, балки ниҳоятда ажойиб инсон экани учун ҳам мен бобом билан фахрланаман. У менга ота ўрнида ота эди, кизларимнинг севимли бобоси эди. У ҳаётда биз учун матонатли ва олижаноб инсон тимсоли бўлиб колди.

ИҚРОР

Бобом Сергей Крюков хотирасига бағишлайман.

Мен ёш эдим, жангда кечдим қон,
Танк мурвати танир кўлимни.
Ватанимга ҳаётим қалқон,
Мен урушда енгдим ўлимни.

Танкда ёнмоқ – дўзахдан ёмон,
Таниб олдик душман юзини.
Снарядлар ёғди беомон,
Аскар аямади ўзини.

Ёвни босдик, ҳайқирдик:
"Ураа-а!"
Ёш йигитлар довюрак, ўктам.
Энди алам қилмасми, жўра,
Ўққа учди Берлинда отам?!.

Унутмаймиз, сафларимиз кам,
Крематорий – одамхўр печка...
Қонимиздан лола унса ҳам,
Ғалабага тутганмиз елка.

Фидо қилдик ҳаётимизни,
Тинчлик эди ягона орзу.
Ёд этаркан ким отимизни
Бу дунёда яшаймиз мангу.

Рус тилидан
Рустам Мусурмон таржимаси

БУЮКЛИК МЕЗОНИ – МЕҲР

Тошкентда биринчи марта жазирама иссиқ, салқин жой, жилдираган сув ними эканлигини билдим. Яна инсон меҳрини ҳам ўша ерда англадим.

Анна АХМАТОВА
1944 йил май, Ленинград шаҳри

Россия телеканалларидан бирида буюклик мезонлари мавзусига бағишланган давра суҳбати жуда қизғин кетмоқда. Овозлар тобора баланд пардаларга кўтарилади, иштирокчиларнинг юзлари бўғриққан, бир-бирини тинглашга тоқатсиз, ҳамма баравар сўзлашга тушади. Кимдир замонавий қурол-яроғ, бошқа бири эса давлатнинг иқтисодий ва молиявий қудратини "буюклик мезони" дея рўкач қилади. Шу пайт басавлат бир қатнашчи баланд овозда, дона-дона қилиб шундай деди: "Шахс ёки халқнинг буюклиги, мамлакат бошига оғир кун келганда ишончли суянчиқ бўла олиши, меҳр-мурувват кўрсатиши орқали белгиланади. Уруш даврида буюк ўзбек халқи (бу сўзни у икки марта такрорлади), Россия, Украина ва Белоруссиядан юборилган 1 миллиондан ортиқ кишини қабул қилиб, уларга уй-жой ажратиб берди. Жумладан, эвакуация қилинган 200 минг нафар болаларни етимхоналарга топширмай, ўз оилаларининг иссиқ бағридан жой берди. Бундай олижаноблик буюк, ҳа, фақат буюк халқнинг қўлидан келади, холос...".

Эҳтиролар "қайнаб" турган студияга бирпасда жимлик чўкди. Сўнг гулдурос олқишлар янгради.

Шундан сўнг россиялик таниқли арбобларнинг уруш даврида Ўзбекистонга эвакуация ҳақидаги болалик хотиралари бирин-кетин берила бошланди. Бу таъсирли ҳикояларни тинглаб, шундай улуғ миллатга мансублигингдан беҳад қувониб кетасан, киши.

Театр ва кино артисти Юрий Стоянов, Иккинчи жаҳон уруши даврида бир ўзбек оиласи унинг туғишганлари ва қўплаб русларга омон қолишлари учун жуда катта ёрдам кўрсатганини сўзлайди:

"Немислар Сталинград остонасига яқинлашганда, менинг онам етти ёшда, укаси эса беш ёшда бўлган, – дейди Ю.Стоянов. – Немислар анча яқинлашиб келганида, уларни эшелон қилиб Тошкентга кўчиришган. Йўлда самолётлар ҳужум қилган, бомбалар ёғдирган. Тошкентга қизалоқ, укаси ва уларнинг бувиси алоҳида-алоҳида етиб келишган. Даҳшатли таҳлика, болалар бир-бирини, оналар болаларини топа олмай саргардон. Тошкентда деворларга бедарак йўқолган болалар, бир-бирини излаётган инсонларнинг суратлари, улар ҳақидаги маълумотлар ёпиштириб қўйилган. Булар ёнида ҳар куни одамлар тўпланган, бу жой – бир-бирларини топиш учун ягона имконият эди. Шундай қилиб, деворлардаги эълонлар ёрдамида менинг оилам бир-бирини топиб олган. Улар бошқа кўчириб келтирилганлар каби, ўзбеклар оиласида қўним топдилар. Янгийўллик ўзбек уларга уйидаги ягона кароватини, ёстиғи ва кўрпасини берган. Уйида нимаси бўлса, шуларнинг энг яхшисини тақдим қилган. Эски дастурхондан китоб соладиган жилд тикиб берган, онам шуни кўтариб, мактабга борган. Ўзбеклар русларни ўлимдан сақлаб қолган. Шу тариқа менинг оилам омон қолиб, яшаб кетган. Урушнинг охиригача улар Тошкентда яшаб туришди. Бу, менингча, жуда оддий, аммо чуқур маънолар жамланган тарих. Ўша ўзбекнинг меҳри, бағрикенглиги туфайли онам тирик қолган, шу туфайли мен бугун яшаяпман. Онам тайёрлайдиган ўзбекча нон ва паловни жуда яхши кўраман, унинг ўша меҳрли инсонлар ҳақидаги ҳикояларини такрор-такрор тинглаб, зерикмайман...".

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи мисли кўрилмаган инсонийлик фазилатларини дунёга намоён этди. Илья Эренбург "Ўзбеклар" номли мақоласида ўзбек ўғлонларининг жанг-ҳоҳдаги жасоратларини ҳайрат билан мадҳ этган ("Красная звезда", 1942 йил, 20 октябрь) оғир кунларда фронт орти – Ўзбекистонда бутун халқ бундан кам бўлмаган матонат ва фидойилик кўрсатмоқда эди.

Уруш қатнашчиси Маргарита Меркулова Ленинграддан эвакуация қилинганларни Тошкентда қандай кутиб олинганини шундай эслайди: "Ўзим ленинградликман, бизни 41-йилнинг августида "Вулкан" заводи билан бирга кўчиришганди. Отам шу заводда директор эди. Тошкентга келганимизга бир ой ўтар-ўтмас, ҳали заводнинг деворлари ва томи бўлмаса-да, фронт учун маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Мен 9-синфда ўқий бошладим. Дарсдан сўнг вокзалда "Жанговар навбатчилик"ка чиқардик. Поездлар тунги соат икки-учларда келар, диктор ленинградлик болалар қайси вагонларда эканини эълон қиларди. Биз замбил ва дори-дармон солинган сумкачаларни кўтариб чопардик. "Теплушка" вагонлардан очлик силласини қуритган, ҳолдан тойган, оёғида зўрға турган 4-14 ёшли болаларни туширишарди. Кўпчилиги ўлган ота-онасининг исм-фамилиясини, ҳатто ўзининг ҳам исмини билмас эди. Биринчи галда уларга шу ернинг ўзида манна бўтқаси ва ярим кружка илиқ сув бериларди. Дўхтирлар: "Кўп овқат берманг, соғлиғи ёмонлашиши мумкин", дея қаттиқ тайинлашарди. Сўнгра кийимлари дезинфекцияланиб, сочлари олингач, Полторацкий (ҳозирги Нукус) кўчасидаги ҳаммомга олиб бориларди. Қайтгач, яна вокзалнинг ўзида ҳозирланган ётоқ жойида қолишар, эртаси кундан бошлаб болалар уйлари ва хонадонларга тарқатиларди.

Ҳозир ана шуларни эслаб, жуда ҳайратланаман: ўшанда жами аҳолиси 6,5 миллионлик Ўзбекистондан 1,5 миллион киши фронтга жўнаган (уларнинг 420 000 нафари ҳалок бўлган). Республикада қолган аҳоли эса 1 миллион нафардан кўпроқ кўчирилганларни қабул қилди. Фақат шу туфайлигина ҳам ўзбекларнинг Ғалабага қўшган ҳиссаси бебаҳо дея таърифлашга арзигулик. Меҳрни пул билан ўлчаб бўлмайди. Аммо, Ўзбекистондан фронтга жўнатилган озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-яроғ ва бошқа зарур ёрдамлар-чи?

Ўзбекистонликлар урушнинг дастлабки кунлариданоқ мудофаа жамғармасини ташкил этиш ҳаракатида фаол иштирок этди;

Ўзбекистон аҳолиси уруш йилларида мудофаа жамғармасига жами 649,9 млн. сўм пул ва 55 кг.га яқин олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металлар топширди. Бу жамғарма ҳисобига танк колонналари, авиация эскадрилялари, бронепоездлар қурилиб, фронтга жўнатилди;

Ўзбекистондан иссиқ кийимлар, буюмлар, озиқ-овқатлар мунтазам равишда фронтга етказиб турилди;

1942 йилнинг январида Тошкент хотин-қизлари эвакуация қилинган болаларга оналик меҳрини кўрсатиш ҳақида Ўзбекистондаги барча аёлларга чақириқ билан чиқдилар. Бу чақириққа дарҳол минглаб оналар жавоб беришди. Кўпинча ўзбек аёллари вокзалга келиб, эвакуация поездларини кутиб туришар, вагондан тушган болаларни ўз оилаларига олиб кетишар эди..."

Кўпгина ўзбек оилалари иккита ва ундан ортиқ етим болаларни (Ш.Шомаҳмудовлар оиласи – 14, Ҳ.Самадовлар оиласи – 12, М.Жўраева ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 тадан) ўз тарбияларига олдилар. 1943 йил охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олиниб, уларга ҳақиқий инсонпарварлик ва меҳр-шафқат кўрсатилди.

Борлиқ олам учун қуёш қанчалик зарур бўлса, инсонларга меҳр шунчалик муҳим. Ўша оғир уруш йиллари Тошкентда меҳр қуёши порлаб тургандек, ҳамма шу томонга интилар эди. Фронт олди шаҳарларидан поездлар йўлга чиқар экан, "Ҳеч ким ўз хоҳишича истаган жойида тушмайди, ҳар ким "эвакуация варағи"да кўрсатилган жойга бориши шарт", дея қатъий айтилганига қарамай, одамлар имкон қадар Тошкентда қолишни мўлжаллашар эди.

Эвакуация иштирокчиси Александр Уот эслашича, Александр Неверовнинг "Тошкент – нон шаҳри" номли китоби ўша пайтларда жуда машҳур бўлиб, бу китобни ўқиганлар қандай қилиб бўлмасин, Тошкентга боришни орзу қилишарди. "Айниқса, уруш йиллари ҳатто бу китобни ўқимаган, шунчаки эшитганлар ҳам Тошкентни нажот манзили, деб билишар эди", деб ёзади.

Шу боисдан эвакуация рўйхатига кирмаган улкан оломон ҳам "ўз оқими" билан Тошкентга йўл олди. Москва, Пенза, Кавказ ва Қозоғистондан, Каспий денгизи атрофидан келган минглаб одамлар, бир қанча тилларга таржима қилинган болалар китобининг "кучи" нечоғли улканлигини кўрсатаётгандек эди. Тўғри, бу китобда афсонавий шаҳар тасвири деярли йўқ, аммо Тошкент тимсолидаги жаннатмонанд тасаввур одамлар онгида шакллaниб, мустаҳкам ўрнашган эди. Ҳақиқатда ҳам бу бежиз эмас, Биринчи жаҳон уруши ва йигирманчи йиллар очарчилиги даврида қочоқларнинг биринчи тўлқини айнан Ўзбекистондан, Тошкентдан нажот топганди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида эса Тошкент осойишталик ва тўкинлик манзили, деган тасаввурга собиқ СССРнинг барча шаҳарларидан кўра кўпроқ мос эди. Тошкентда озиқ-овқат ҳам, бошпана ҳам топиш мумкин эди. Уруш йиллари эвакуация қилинган машҳур шоира Анна Ахматовани Тошкентдаги қўни-қўшниларигина эмас, балки нотаниш одамлар ҳам қўллаб туришган.

Светлана Сомова бундай эслайди: "Бозорлар ўз ҳаёти билан яшарди. Туялар ковуш қайтарар, саллали қария анор кесар, бармоқларидан қизил анор шарбати томиб турарди. Жулдур кийимли бола Ахматовага яқинлашиб, писка билан чўнтак кесмоқчи бўлди. Мен уни қўлини ушлаб олдим-да: "Эй, нима қиляпсан? Бу, ахир, оч қолган ленинградлик-ку!" дея шивирладим. Бола жим туриб қолди. Кейинроқ ўша бола яна бизга рўпара келди. "Бизга ёпишиб олди, боя милицияга бериб юборсам бўларкан", деб ўйладим. Шу пайт у Ахматованинг қўлига кир латтага ўралган гуммани тутқазди-да: "Е буни", деб кўздан ғойиб бўлди. Анна: "Наҳотки, ейиш керак бўлса?" дея менга қаради. "Албатта, ахир, у сиз учун ўғирлаган-ку!" дедим. Менингча, у ҳеч қачон бу бебаҳо гуммани унутмаган бўлса керак".

Янги келганида бегонасираб юрган Анна Ахматова ўзбекларни ўзига ўта яқин ва азиз эканлигини англайди. Кўп ўтмай бегонасираш дан асар ҳам қолмайди.

Англаб бўлмас кенглик,
ястанади Шарқ,
Ғанимдай гурсиллар
даҳшатлар олис.

Москва ва Ленинграддан эвакуация қилинганлар учун Новосибирск, Челябинск, Свердловск каби совуқ жойларга қараганда Тошкент албатта жаннатмонанд эканлиги аён. Россия ҳудудидан турли миллатга мансуб 200 яқин ёзувчи ва шоирлар (А.Ахматова, А.Толстой, В.Ян, М.Шагинян ва бошқалар) Тошкентга кўчиб келиб, шу ерда ижод қилдилар. Тошкентда ўша пайтда мавжуд бўлган ўнта театрга бошқа шаҳарлардан кўчириб келтирилган яна саккизта театр қўшилди. Улар орасида Москва Революция театри, Франко номидаги Киев театри ва бошқалар бор эди.

Тошкентда Анна Ахматованинг шеърий тўплами нашр қилинди. Шоира оғир уруш йилларида нон-тузини аямаган ўзбек халқига ҳам шеърлари орқали қалб тўридан жой ажратган:

Изтиробда уйқуга кетсанг,
Сўнг ошиқ мисоли уйғонсанг,
Қара, гўзал лолақизғалдоқ,
Қайлардадир зулмат бағрига
Ёриб кирди ногаҳон қудрат!
Кичик ҳовли, ёниқ манқаллар,
Тутаб ётар ҳамон қайғулар,
Унда баланд бўйли тераклар...
Чиқиб кела бошлар боғ аро
Шаҳризода...
Мана, қандай Шарқ экансан, о!

"Барча йўллар Римга олиб боради", деган кўҳна иборага монанд, Ўзбекистонда қўним топган турли миллатга мансуб зиёлилар ўртасида: "Тошкент — ҳамма учрашадиган, йўллари қўшиладиган жой", деган ибора машҳур бўлди.

Йигирманчи аср бошида қурилган Оренбург-Тошкент темир йўлида паровозлар бир ҳафта юрса-да, уруш шароити бу муддатни янада узайтириб юборди. Корней Чуковский ўн кун, Мария Белкина поезди ўн бир, Зинаида Степаничева — ўн беш, Георгий Эфрон — уч ҳафтадан кўпроқ, Елена Добичина ва Виктор Жирмунскийлар Тошкент сари бир ой йўл юрганликларини ҳикоя қилишган. Асосийси, меҳригиёли Тошкентга етиб келганлар омонликда, маҳаллий халқ меҳридан баҳра олган.

Тошкент вокзали доимо лиммо-лим, одамлар оқими туганмасдек эди. Биринчи тўлқин қирқ биринчи йил ёзи охирида бошланиб, кейинги йил охиригача тўхтамади. Биргина 1942 йилнинг августида 55 минг нафар одам келган. Темир йўллар атрофида чодирлардан бутун бошли шаҳарча пайдо бўлди. Бу ерда гулханлар ёнар, овқат тайёрланар – ҳаёт қайнар эди. "Чодир шаҳар" аҳлининг жуда кўпчилиги эвакуация рўйхатисиз, ўз имкони билан келганлардан иборат бўлиб, бу оломоннинг турли ҳуқуқбузарлик ва тартибсизликлар келтириб чиқариш ҳоллари тез-тез рўй берган. Шу боисдан Ўзбекистон ҳукумати кўчирилган корхона ва завод ходимларидан бошқаларнинг киришини чеклаш ҳақида қарор қабул қилди. Энди Тошкентга ўзбошимчалик билан келганлар бошқа шаҳар ва колхозларга юборилади.

Таҳликали 1941 йил...

Уруш даври мусибатларини ўз бошидан кечирган кишиларнинг хотираларидан маълум бўлишича, ўша вақтда халқнинг аксарият қисми мустабид тузумни қоралар эди. Чунки 37-йиллар қатағони яралари ҳали битмаган эди. Халқнинг хотирасидан ҳали Туркистон Мухториятининг қонга белангани, истиқлолчилик ҳаракатининг зўравонлик билан бостирилиши, диний эътиқод учун таъқиб қилишлар чиқмаганди. Жамоалаштиришнинг сталинча зўравонлик билан амалга оширилиши натижасида юз берган жиноятлар хотирадан кўтарилмаган эди. Мустабид тузумнинг оммавий қатағонларидан қолган яралар ҳали битмаган эди.

Бироқ бошқа халқлар бошига қулфат тушган паллада ўзбек халқи ўзининг мисли кўрилмаган юксак фазилатларини намоён этди. Фашизмга бўлган нафрати мустабид тузум етказган ғам-аламни орқа ўринга суриб қўйди ва у душманга қарши отланди. Ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштирокининг ахлоқий-маънавий жиҳатдан асоси шундаки, бу урушда ўзбек халқи фашизмдан фақат СССРнигина эмас, энг аввало Ўзбекистонни ҳимоя қилишни, уни яна бир босқинчидан сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган эди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

СИРА БИТМАЙДИГАН ЖАРОҲАТ

Дунёдаги миллион-миллион одамлар умри давомида бир-бирини кўрмаслиги, билмаслиги мумкин. Лекин шундай одамлар ҳам борки, уларни миллионлаб одамлар билади, нафақат юз-кўзи, балки бир оғиз сўзи, овозидан дарров танийди, у билан суҳбатлашишни орзу қилиб юради. Мабодо ниятига етса, ўзида йўқ хурсанд бўлиб, ер-кўкка сиғмайди. Мен ҳам шундай ҳолатни бошимдан кечирганман. Сиз ҳам уни биласиз, кўргансиз, эшитгансиз. Келинг, ўша суҳбатдошимни таништирай: Иккинчи жаҳон урушининг 2-гуруҳ ногирони, Ўзбекистон халқ артисти, меҳнат фахрийси, Ўзбекистон радиоси ва "ойнаи жаҳон" сухандони Қодир Тожиев.

Бир касбда 45 йил узлуксиз ишлаш ҳазилакам иш эмас. Беш дақиқа микрофон олдида бўлишнинг ўзи асабингизни рубоб торидек таранглаштириб, ҳаяжонингизни ошириб юборади. Микрофон қаршисида нафасингизни ростлаб, матнни ифодали ўқиш, ҳар бир сўз, жумлани тушуниб, адабий талаффуз қилиб, уни тингловчига таъсирчан тарзда етказа билиш одамдан озмунча меҳнат, сабр-тоқат талаб қиладими?

Қодир акада ана шу ноёб хислатлар ёшлигиданоқ шаклланган, ўз касбини астойдил севиб, ардоқлагани учун ҳам у камол топди, эл-юрт назарига тушди. Айтиш мумкинки, Қодир ака бундай ажиб хислатлар соҳиби, фидойи, жасоратли инсон бўлиш учун ҳаёт машаққатларини мардонавор енгиб, ўт-оловларда тобланди.

– 1941 йилнинг август ойида минглаб юртдошларим қатори мен ҳам жангга сафарбар этилдим, – деган эди Қодир ака ўша кунларни эслаб. – Даставвал Калинин фронтидаги 1225-ўқчи полкнинг оддий аскари сифатида қисқа фурсат ҳарбий тайёргарлик қилиб, жанговар синовдан ўтдим. Кейин Ржев шаҳри остоналаридаги аёвсиз жангларда иштирок этдим.

Маълумки, 1941 йилнинг охири, 1942 йилнинг бошларида Москва яқинида бўлган ҳаёт-мамот жангларида душман қаттиқ зарбага учрагач, асосий куч ва техникасини Ржев шаҳри атрофида тўплаб, қучли истеҳком ташкил қилган эди. Қўшинларимизнинг душман ҳимоясини ёриб ўтиш йўлидаги дастлабки ҳужумлари муваффақиятсиз тугади. Чунки танк қўшилмалари етарли эмаслиги, ботқоқ ерлар кўплиги сабабли душманни бутунлай ўраб олиб, тор-мор этиш жуда қийин эди. Лекин ҳар бир ҳужумда душман ортга чекинишга мажбур бўларди.

– Ржев остоналарида бўлган жанглар сира ёдимдан чиқмайди, – сўзида давом этган эди Қодир ака. Назаримда, унинг юз-кўзлари бир оз жиддийлашиб, овози ҳам ўзгаргандек туюлган эди менга ўшанда. – Ярим тундаёқ қўшинларимиз шаҳар яқинидаги ўрмон ичкарисида жанговар ҳолатга келтирилган – шаҳарни қўлга киритиш учун ҳужумга шай эди. Ўрмоннинг нариги тарафидаги катта кенглик душман билан бизни ажратиб турар, бот-бот отилиб турган ўқ овозлари унинг огоҳлигидан дарак берарди. Тикан симлар билан ўраб ташланган чегара душманнинг шаҳарга қаттиқ ўрнашиб олганини кўрсатарди. Қўмондонлик ҳужум олдидан чегарани тиканли симлардан тозалаш вазифасини қўйди, буни жуда эҳтиёткорлик билан амалга ошириш зарурлигини алоҳида уқтирди. Бу гуруҳда мен ҳам бор эдим. Тун қоронғусида топшириқни бажаришга киришдик. Чегарага яқинлашганимиз сари душманнинг ғовур-ғувури тобора тиниқроқ эшитила бошлади. Тикан симларни қайчи билан кесаётганимизда аллақандай шарпани сезиб сергакландик. Ўртага жимлик чўкди. Бироз ўтгач, биз томон келаётган қадам товушларини эшитдик. Дарров ўзимизни дарахт панасига олдик. Улар икки киши эди. Бизга яқинлашишлари биланоқ уларга шердек ташланиб, қуролсизлантириб, қўлларини орқаларига боғладик-да, қисмимиз командирига олиб бориб топширдик.

Тонг ота бошлади. Олдинда шаҳарни қўлга киритиш учун тайёргарлик кетарди. Ҳаммамиз ҳужумга шай бўлиб турардик. Ниҳоят, замбараклар тилга кирди – душман устига сон-саноқсиз ўқ ёғдирилиб, шаҳар томон ҳужум бошланди. 1942 йилнинг 13 сентябрь куни Ржев шаҳри остоналаридаги ана шундай жангларнинг бирида ўнг қўлимдан оғир яраландим. Душман снайпери мени аниқ мўлжалга олган эди: қўлимдан қуролим тушиб кетгани, шинелим енгидан қон ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди. Менга дарҳол тиббий ёрдам кўрсатишди. Калинин шаҳридаги госпиталларнинг бирида узоқ даволандим. Ўнг қўлимни ампутация қилиш билан ҳаётимни сақлаб қолишди, барака топгур шифокорлар. Эндигина йигирма бир баҳорни қаршилаган эдим. 1942 йилнинг охирларида она шаҳрим – Тошкентга ота-онам, меҳрибон жигаргўшаларим, ёру дўстларим бағрига етиб келдим. Бунисига ҳам Худога минг қатла шукр, шунча умрим бор экан.

– Йўқотган қўлингизнинг ўрнини ҳозир ҳам ҳис этасизми? – сўрадим мен саволим ўринсиздек туюлиши мумкинлигини ўйлаб узр сўраб.

– Урушнинг жароҳати сира битармикин, укажон, – деган эди у менинг ҳолатимни тушуниб. – Шифокор бўлганингиз учун ҳам бу ҳолат сизга кўпроқ аён бўлиши керак. Гарчи ўнг қўлимдан айрилганим билан унинг бош миядаги маркази тирик қолган-ку! Шунинг учун уни доим бордек ҳис қиламан. Баъзан шундай пайтлар бўладики, йўқ қўлимнинг бармоқлари увишиб, йиртқич ҳайвон тирноғи билан тирнагандек зирқираб оғриқ туради, ўзимни қўйишга жой тополмай қоламан. Уни силагим, уқалагим келади... Афсуски, энди бунинг сира иложи йўқ.

– Ёзув-чизувни қандай бажарасиз?

– Тақдирга тан бериб, ҳаракат қилиб, чап қўл билан ёзишга ўрганиб олдим. Ишим кўпроқ бўлса, босма ҳарфлар билан ёзаман.

1947 йилнинг илк баҳори Қодир ака ҳаётидаги энг унутилмас дақиқалар, бурилиш палласи бўлди. Ўша пайтлар унинг курсдош қадрдони (кейинчалик "Ўзбекистон" радиосининг муҳаррири, бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими бўлиб етишган Бурҳон Зиёев) радиода диктор бўлиб ишларди. Қодир Тожиев унинг таклифи билан мутахассисларнинг махсус кўригидан ўтиб, апрель ойининг бошларида сухандонликка қабул қилинди.

Жангларда тобланган сабр-тоқат, матонат энди унга жуда асқотди. Устозлари – Ўзбекистон халқ артистлари Туйғуной Юнусхўжаева ва Қодир Махсумовдан янги касбининг сирасрорларини ўрганди. Вақт ўтиб ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишди, кўпгина шогирдлар тайёрлади. Бундан ташқари, Қодир ака кўплаб илмий-оммабоп фильмларни дубляж қилишда фаол иштирок этди, уч мингдан ортиқ номдаги тўлиқ ва кичик ҳажмдаги кинофильмларга овоз берди.

Кўп йиллик самарали меҳнатлари туфайли Ўзбекистон халқ артисти унвони билан тақдирланган Қодир Тожиевнинг ёқимли ва жарангдор овози оҳанрабо тасмаларида бир умрга муҳрланиб қолди.

Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

УРУШ, НОМИНГ ЎЧСИН ЖАҲОНДА

Тошкентнинг Қўйлиқ даҳасидан Ҳалқа йўли бўйлаб ўнгга юрсангиз, Занигота туманига қарашли Хонобод қишлоғига кириб борасиз. Бундан саксон йиллар илгари Хонобод қишлоқда аҳоли сийрак эди. Қишлоқдаги биргина етти йиллик мактабда юзга яқин ўқувчи ўқирди.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида мана шу Хонобод қишлоғидан 120 нафар йигит урушга кетиб, улардан 80 нафари қайтиб келмаган. Қайтганларининг ҳам аксарияти қўли ёки оёғидан ажралган ногирон эди. Урушдан қайтмаган йигитлар орасида биз ҳикоя қилмоқчи матонатли онахон Зулфия Зокированинг беш нафар ўғли ҳам бор эди. Ҳозирда урушдан омон қайтган яккаю-ягона Эсонтурди бобо ҳаёт.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларда қишлоқ мактабида уруш қатнашчилари Ғуломназар ва Раҳимжон акалар раҳбарлик қилишган. Уларнинг ташаббуси билан мактаб ўқувчиларидан иборат ишчи-деҳқон бригадаси тузилган. Унга аъзо бўлган ўқувчилар мактаб таътили вақтида дала меҳнаткашларига ёрдам бериб, маблағ тўплашган. Ана шу маблағ эвазига мактаб ҳовлисида урушда ҳалок бўлган шу қишлоқлик йигитлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилган.

Мактаб ҳовлисидаги ёдгорлик 1975 йил 9 май санасида очилган, унда уруш фахрийлари, қишлоқ аҳли иштирок этган эди. Фахрийлар уруш хотиралари, оғир фожиаларини сўзлаб беришган. Бу тадбирга Зулфия аянинг Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган қизи Манзура опа ҳам таклиф этилган эди. Опа ёдгорликдаги акалари исмларини қўллари билан силаб, узоқ йиғлаган. Манзура опа 2007 йили 81 ёшда вафот этди.

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон уруши бутун инсоният қалбида қолдирган ўчмас жароҳат ҳеч қачон битмаса керак. **Ўтган урушга бир оиладан беш нафар фарзандини кузатиб, уларнинг ҳеч бири қайтмаган оила дунёда атиги учта экан.** Булар белоруссиялик Анастасия Куприянова оиласи, АҚШнинг Айова штатидаги Том ва Анетта Селливанлар оиласи ҳамда ўзбекистонлик Зулфия Зокирова оиласи.

Мен саксонинчи йилларнинг бошларида Белоруссияда бўлиб, Анастасия Куприянова оиласи хотирасига ўрнатилган маҳобатли монументни кўрганимда жуда ҳаяжонга тушганман. Шунда беихтиёр ҳамқишлоғим Зулфия ая ва унинг жанггоҳлардан қайтмаган ўғиллари хаёлимдан ўтган. Илк бор ўшанда бу оила ҳақида, ўзбек онасининг матонати ва бардоши, ўғилларининг жасорати, келинларининг садоқати ҳақида ёзиш нияти туғилди. Бу ниятим 1989 йили амалга ошиб "Беш жангчининг онаси" номли очерким "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этилди. Бу очеркимнинг биринчи ўқувчиси ҳамкасб дўстим (оллоҳ раҳмат қилсин) Мурод Абдуллаев бўлган. У очеркни ўқиб, "Бу атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Аёл" шеърининг насрдаги варианти бўлибди" дея юқори баҳолаган эди. Чиндан ҳам Зулфия ая ҳаёти чинакам матонат ва жасорат тимсолидир. Биз бу аёл сиймосида халқимиз, хусусан, оналаримизнинг буюк иродаси ва жасоратини кўрамиз.

Урушнинг сўнгги йиллари ва урушдан кейинги йилларни яхши эслаб колганман. Қишлоғимиздаги ҳар икки оиланинг биттаси бошига мусибат тушган. Лекин бу оилалар ҳам Зулфия ая оиласи аҳволидан келиб чиқиб, ўзларига таскин беришганларига гувоҳи бўлганман. Оиламизда ҳам урушга кетган икки акамдан бири қайтиб келмаган. Бувим, онам супада ўтириб кўз ёшларини тиёлмасдилар ва Зулфия ая мисолида ўзларига таскин беришарди.

Ўтган йили Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали йиғилишда Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, Зулфия Зокирова ва унинг фарзандлари номини тилга олиб, келаси йили Ғалаба боғи ташкил этилиб, Зулфия ая ва унинг келинлари хотирасига монумент бунёд этиш, унга "Матонат мадҳияси" деб ном беришни таклиф этди. Бу маросимда иштирок этган Зулфия аянинг набира ва эваралари кўзлари севинч ёшларига тўлди. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг бундай эътироф ва эҳтироми бутун Хонобод қишлоғи аҳлини ҳам руҳлантириб юборди.

Хонобод қишлоғида кўплаб етук олим ва истеъдодли ижодкорлар истиқомат қилишади. Юртбошимиз таклифи билан Зулфия ая ҳаётини акс этирган фильм суратга олинадиган бўлди. Фильмни яратиш хонободик иқтидорли киносценарийчи, режиссёр Жаҳонгир Аҳмедовга ишониб топширилди. "Илҳак" деб номланган бу фильмни 9 май куни халқимиз эътиборига ҳавола этиш режалаштирилганидан хабарим бор.

Урушнинг барча азоб-уқубатлари, фожиаларини доимо ёдда сақлаш, унда ҳалок бўлган ва жабр кўрганларни хотирлаш, қадрлаш биз ва биздан кейинги авлодларнинг инсоний бурчидир. Токи инсоният келгусида бундай мудҳиш хатони такрорламасин.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
маданият ходими

Суратда: *Зулфия момо Зокирова келини ва набиралари билан*

Султон ЖЎРА
(1910-1943)

Ой нечта

I

Юлдуз, Қундуз, сингил ва опа
Бошладилар катта тортишув.
Юлдуз деди: — Ой битта фақат.
Қундуз деди: — Йўқ, иккита-ку!
— Кеч бўлсин-чи, кўрамиз, қани,
Кимнинг гапи ростга чиқаркан?
— Юлдуз бўлсанг ойни кўргани
Ундан илгарироқ чиқарсан?..

II

Ана келди кутган кеча ҳам,
Ёниб чиқди қизил ширмон ой.
Чопиб кетди Юлдуз кўчага,
Қундуз деди: — Ҳовлидан боқай.
Иккови ҳам кўраркан ойни,
Бир-биридан олишди дарак:
— Унда борми?
— Ҳа, биттаси бор.
Қайсисининг ойи каттароқ?
Ишонмади бири-бирига
Ва дедилар:
— Ой нечта, ойи?
— Ётинг энди.
Фақат битта осмоннинг ойи!
Катта бўлгач, айланайларим,
Ойнинг ўзин миниб кўрарсиз.
— Ўшанда-чи, ойижон, бизга
Катта шоти олиб берарсиз?

III

Мен ҳам шундай болалигимда
Ойни иккита деб юрардим.
Ўша пайтим тушиб эсимга
Шу шеърни ёзиб юбордим.

УНИНГ ҲАМ ПАНОҲИ ҚАЙТМАДИ...



Чирчиқ дарёсининг шундоқ бикинида жойлашган қишлоқдаги мўъжазгина ҳовлида яшаймиз. Бобом уйимиз деразасидан кўчага термулиб ўтирарди. Қишнинг изғиринли кунлари. Қиш кунлари узоқ бўлармиди ёки бизга шундай туюлармиди, нима бўлганда ҳам баҳорни жуда соғинардик. Бобомга савол бераверириб ҳол-жонларига қўймасдим. Бир куни: "Оч ўлдирма, тўқ ўлдир, қиш ўлдирма, ёз ўлдир", дедилар. Мен: "Бобо, бу нима деганингиз — ўлишдан олдин қоринни тўқлаб олиш керакми?" дедим. "Ҳа болам-а, ҳали ёшсан, катта бўлсанг тушуниб оласан", деди бобом.

Бобом анча кексайиб қолган эди. Онам мен билан катта опамни туғишган опаси тарбиясига берганди. Мен кўпинча бобомни ёнида ўтирардим. Мактабдан келиб, опам билан бирга дарсларни тайёрлагач, ҳовли юмушларига қарашардик. Бобом холамга: "Карима, қизим, мен онангни олдига ёруғ юз билан борай, ҳали ёшсан, болам, турмуш қур", деган гапни кўп такрорларди. Холамнинг жавоби доим тайёр эди: "Мен турмуш қурдим, онамнинг олдиларида юзингиз ҳамиша ёруғ", дерди.

Карима холам маҳаллада кайвони аёл бўлган. Ҳар ишда абжир ва чаққон, пазанда, сўзга эса чечан. Холам турмушга чиққан вақтда уруш бошланган. Уруш Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Не-не забардас ўғлонлар шу уруш туфайли бедарак кетди. Хонобод қишлоғидан урушга кетиб онаизори, суюкли ёри, фарзандлари, дилбандлари бағрига қайтмаганлари талайгина. Улар орасида бобомнинг икки нафар қуёви ҳам бор эди.

Бир куни бобом холамга: "Карима, бу уруш халқимиз бошига кулфат олиб келди. Ким шундай бўлсин дебди. Опанг Ҳидоятнинг ҳам эри қайтмади. Аммо унга фарзандлари таскин беради. Сенинг эса фарзандинг йўқ. Турмуш қурсанг, балки фарзанд кўрарсан. Мен ҳам кўзимни бу дунёдан рози бўлиб юмармидим?" Холамнинг жавоби шундай бўлди: "Ота, мен турмуш қурдим. Бу ёғи пешонамдан. Мана, сингглимнинг болалари бор. Шулар бизга суянчиқ. Умримнинг оғиригача, сўнги нафасимгача кутаман, кутишдан чарчамайман", деди.

Орадан йиллар ўтди. Холам ҳар саҳар эшик томонга умид билан боқарди. Кечки таомдан алоҳида бир коса олиб, устини сочиқ билан ўраб, бир чеккага қўярди. Номинг ўчгур уруш! Кексанинг ҳам ёшнинг ҳам қалбини бирдек яралади. Бу жароҳат ҳар он, ҳар сония бутун инсоният хотирасидан ўчмайди.

* * *

Бобом кекса бўлишига қарамай, анча чайир эди. Мироб бўлиб элга тинилганди. Қолаверса, маҳалланинг бирор издиҳоми бобомсиз ўтмасди. Ҳар бир масалада ўз маслаҳатларини аямасди. Айниқса, деҳқончилик борасида тажрибаси катта эди. Сувнинг бир томчисини ҳам увол қилмасдан, экинларга қай йўсинда сув тараш кераклигини оддий йўл билан тушунтирарди. Бир куни бобом билан экинларга сув тарадик. Сувнинг йўли ўт-ўланлар билан тўсилиб қолди. Шунда бобом: "Сувнинг кўзи кўр бўлади. Унинг йўлини аста очиб, ёш бола каби етакласанг, йўриғингга киради", деб хас-чўпларни олиб сувнинг равон юришини кўрсатиб берди.

Бобом билан уйга келганимизда холам кечки таомни тайёрлаб, кутиб ўтирган экан. Биргалашиб овқатландик. Шундан сўнг бобом дастурхонга дуо ўқиди-да, "Аттанг!", деб ўринларидан турди. Холам: "Ота, бўлди-да, энди, ҳа деб шу сўзни такрорлайверасизми?!" деб ранжигандек бўлди. Кейин билсам, бобом бу сўзни жуда кўп айтар экан. "Хола, бобом нимага бу сўзни кўп айтадилар?", деб сўрадим. Холам хўрсиниш билан "Билмадим" деб қўяқолди. Кейин: "Балким ўша отинг ўчгур уруш бўлмаганда бу сўзни айтмасмидилар", деб қўшиб қўйди. Урушдан кейинги пайтларда уруш лавҳалари акс этган фильмлар экранларда тез-тез намойиш этиларди. Холам фильмларни ҳаммадан кўра бошқачароқ томоша қиларди. Энди бисам, кадрларда кимнидир қидирарди. Жуда эҳтирос билан тикилиб қолар ва ора-сира: "Уруш, отинг ўчгур уруш!" деб шивирлаб қўярди.

* * *

Бир куни қўлимга "Хотира китоби" тушиб қолди. Тошкент вилоятига бағишланган қисмни кўздан кечирдим. Охири тугамайдиган рўйхатдан холамнинг турмуш ўртоқлари исмини изладим. Бор! Кейинчалик бу исмни Мустақиллик майдонида ўрнатилган Хотира китобида ҳам ўқидим. Аммо холамга шуни кўриш ҳам насиб этмади. Бобом саксон тўрт ёшда омонатларини топширдилар. Орадан уч йил ўтиб холам ҳам олтмиш уч ёшда оламдан ўтдилар. Аммо сўнгги нафасларигача кўзлари эшикдан узилмади.

Отинг ўчгир уруш садоқатда тенги йўқ инсонларни, жисми гулдек, ирода ва матонати тоғлардек аёлларни синовдан ўтказди. Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Бу кимнинг, ниманинг ғалабаси? Инсон матонати ва садоқатинингми?.. Саволлар кўп. Жавоблар эса ундан-да кўп. Садоқат тимсолига айланган АЁЛ сўзини ана шундай — ҳар доим катта ҳарфларда ёзишимиз керак. У мукаддас ва буюклар ичида энг буюк зот. Бугунги ёш авлод садоқатни улардан нафақат ўрганиши, балки чин дилдан ҳис кила билиши лозим.

Асрор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

«СЕН ЕТИМ ЭМАССАН!»

Ўша йилларда атоқли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг ушбу ҳайкириғи бутун халқимизнинг қалб амри бўлиб жаранглаган эди.

Дунёда ўзбекдек меҳмондўст, меҳридарё, мард ва танти халқ бўлмаса керак. Асрлар давомида шаклланган бу қадриятлар халқимизнинг аҳил, файзли оилаларида, меҳрибон қалбларда яшаб келади ва тарихнинг бурилиш нукталарида ўзини ёрқин намоён этди. Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабада ҳам азалий қадриятларимизнинг катта ҳиссаси бор.

Шу боисдан ҳам юртимизга, фронт ортига эвакуация қилинган болалардан ўн беш нафарини ўз фарзандидай бағрига олган Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласининг ибрати шарафига 1982 йилнинг 26 майида Тошкент шаҳрида "Халқлар дўстлиги" ёдгорлиги ўрнатилди. Меҳр-оқибат тимсоли мужассам бу ёдгорлик мажмуаси бутун дунёдан юртимизга келаётган минглаб сайёҳларнинг зиёратгоҳи бўлиб қолди. Шубҳасиз, уларнинг орасида болалик йиллари Ўзбекистонда ўтган ўзга миллат вакиллари ҳам бор.

Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акромова оиласи 15 нафар етим болани ўз қарамоғига олди. Аслида улар бутун дунё болаларини ҳам бағрига олишга тайёр инсонлар эди. Уларнинг даъвати билан юртимизга эвакуация қилинган болаларни боқиб олиш бўйича оммавий ҳаракат бошланиб, минглаб оилалар уларга эргашди.

Шомаҳмудовлар оиласи тимсоли муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройи ёнида, пойтахтимиз марказида қад ростлаб турибди. Ҳар йили 9 май арафасида ёдгорлик пойи анвойи гул-чечакларга бурканади. Бу ҳол анъанага, миллий қадриятга айланган. Бунинг замирида улкан ҳикмат бор. Бу мангу қадрият, мукаддас хотирадир.

Йиллар ўтаверади, аммо ўзбек оиласи дунёга абадий меҳр-мурувват, қувонч ва бахт улашаверади.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Бош муҳаррир Салим АШУРОВ
Ҳамкоримиз: Imzo akfa

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5029. Буюртма Г - 555.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 20.45.
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.
ISSN 2181-6145